

АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН, АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!



Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil
5-noyabr
payshanba

№ 40 (4478)

Postda На посту

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ САОДАТИ



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, соҳага дунё тиббиёти амалиётида эришилган ютуқ ва илғор технологияларни кенг татбиқ этиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эл саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги бу

хайрли ишлар самараси, шифо масканларида йўлга қўйилган сифатли хизматдан мамнунлик юртдошларимизнинг юз-кўзи, гап-сўзи ва кайфиятида яққол кўринади.

Кўзга кўринмас вирус дунё бўйлаб тарқалиб, бани башарни оёққа қалқитди, олам аҳлини хушёрликка чорлади. Бутун халқ меҳр, ғамхўрлик, сабр-қаноат, ирода, қатъият, саховат, нек-

бинлик ва албатта, ишонч билан қуролланди. Синовли вазият эса инсон саломатлиги учун чинакам посбон саналган шифокорлар салоҳияти ва масъулиятини имтиҳон қилди. Улар «кўринмас фронт»нинг энг олдинги сафларида туриб «жанг қилишди». Бу беомон «жанг» ҳамон давом этмоқда...

(Давоми 9-бетда).



Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



МУНОСАБАТ

ТИНЧЛИКНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ДАРКОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимларига йўллаган байрам табриги соҳа ходимлари қаторида, биз – фахрийларни ҳам ғоят руҳлантириб юборди.



Абдуг'афур САТТОРОВ,
ИИБ Фахрийлар
кенгаши аъзоси,
истеъфодаги полковник.

Байрам табригида тизимда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, кўлга киритилган ютуқлар алоҳида эътироф этилиши баробарида, келгусида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган аниқ вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Таъкидланганидек, сўнгги тўрт йил ичида республика ички ишлар органларида пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилиб, тизимни эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида эътибор ва эътирофга молик ишлар қилинди. Бугун халқимиз ички ишлар органлари ходимлари қиёфасида ўзларининг энг яқин кўмақдоши, қийин вазиятларда ҳамisha ҳозир бўладиган ҳимоячисини кўрмоқда. Бу, албатта, кишига қувонч ва катта мамнуният бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида мамлакатимиз ички ишлар

органларининг шонли тарихини асраб-авайлаш, соҳа ходимлари ва фахрийларининг кўрсатган жасоратини, ибратли ишларини оммалаштириш, Ватанимиз мустақиллиги ва эл-юртимиз осойишталиги йўлида азиз жонини фидо қилган ходимларнинг хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас. Негаки, соҳада кўп йиллар хизмат қилган фахрийлар ҳамда айти пайтда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг юксак жасорати, қахрамонлиги ва жиноятчиликка қарши курашдаги шонли ҳаёт йўли, фидокорона хизмати келажақ авлод учун чинакам ибрат мактаби саналади. Шу маънода айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан қўйилган бу вазифанинг тўлақонли ва муваффақиятли бажарилиши ниҳоятда аҳамиятлидир.

ХАЛҚИМГА НАФИМ ТЕГАЁТГАНИДАН ХУРСАНДМАН

Патруль-пост хизматида иш доим қизгин кечади. Дейлик, биргина ўзим хизмат қиладиган вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальонида уч сменада навбатчилик асосида хизмат олиб борилади. Менинг вазифам эрта тонгдан навбатчиларни хизматларга йўналтириш, кечки 23:00да қилинган ишларни жамлаш, ҳисоботларни олиб, нарядларни алмаштиришдан иборат. Бу иш ҳар куни такрорланса-да, бундан зерикмайман, балки завқ туяман. Халқим, юртим учун озгина бўлса-да, нафим тегаётганидан хурсанд бўламан.

Давлатимиз раҳбарининг ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригини ўқиб, ўз касбимдан янада фахр туйдим. Биласизми, нега? Чунки Президентимиз унда қонун кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси эканлигини таъкидлади. Демак, мен ва менинг сафдошларим ана шу тизимнинг ривожини учун хизмат қиляпмиз. Бу – ғоят муҳим ва шарафли иш.

Президентимиз байрам табригида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун бир нечта муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб, хусусан, ички ишлар органларини, айниқса, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ҳамда эксперт-криминалистика бўлимларини замо-



Дилшод СОАТОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ ППХ
ва ЖТБС ППХ батальони катта
инспектори, катта сержант.

навий техника, ахборот-коммуникация тизимлари ва махсус воситалар билан таъминлаш янада кучайтирилиши қайд этилди. Зеро, бугун айнан мазкур хизматларда ижобий натижаларга эришишда замонавий технологияларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда. Айнан улар ёрдамида навбатчилик қисмларининг воқеа жойига тезкорлик билан етиб бориши ёки бирор жиноят, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш имконияти янада ортади. Оддийгина ҳудудларда ўрнатилган кузатув камералари ёки «SOS» назорат тугмаларининг ўзи ҳам ишимизни энгиллаштираётгани айти ҳақиқат.

Албатта, соҳада қилинадиган ҳар қандай ислохот унинг ривожига хизмат қилади. Айниқса, ривожланган хоржий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, амалий фаолиятга янгича иш услублари ва механизмларини, хусусан, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш тизимда учраётган кўплаб муаммоларни бартараф қила олади.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг 25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табриги Сирдарё вилояти ИИБ шахсий таркибини янги марралар сари руҳлантирди. Шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида хизмат қиладиган соҳа ходимлари меҳнатининг юксак эътирофи бўлди.

Зиммамизга юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек маъсулиятли ва шарафли вазифа юкланган. Шу нуқтаи назардан, тизимни ислох қилиш ва замон талаблари асосида такомиллаштириш давлати-

мизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Агар аҳамият берсак, Президентимиз имзолаган илк ҳуқуқий ҳужжатлардан бири айнан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»-ги қонуни бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ички ишлар органларида туб ислохотлар амалга оширилиб, мутлақо янги тизим шакллантирилди. Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган профессионал, халқчил тузилмага айлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилди.



Улуғбек БИЖОНОВ,
Гулистон шаҳар ИИОФМБ
6-сонли ИИБ бошлиғи,
капитан.

Тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», «Хавфсиз хонадон» концепциялари амалга оширилмоқда. Вилоятимизда эса «Жиноятдан холи маҳалла» концепцияси яратилди.

«...Ислохотларимиз натижасида ички ишлар органлари замонавий техника билан таъминланган, халқчил ва очик, криминоген вазиятни мустаҳкам ва ишончли назорат қила оладиган, мобил ва ихчам тузилмаларга айланиб бормоқда. Энг муҳими, соҳа ходимларининг маънавий

қиёфаси, жамиятимиздаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда» дейилади Президентимиз табригида.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари янгича дунёқараш, янгича тафаккурга эга бўлиши, иш услубини ўзгартириши, билимли, салоҳиятли ва фидойи бўлиши лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходим доимий равишда ўз устида ишлаб, зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажариши, ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билиши, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарур.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

«ЮТУҚЛАРИМДА ОНАМНИНГ ҲИССАСИ КАТТА»

– дейди «Шухрат» медали соҳибаси Назирахон Абдурасулова

Президентимиз фармониға мувофиқ, Ички ишлар органлари ходимлари кунли муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимлари давлатимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлишди. Қўқон шаҳар бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта терговчиси, майор Назирахон Абдурасулова ҳам ана шундай бахтга мушарраф бўлган соҳа фидойиларидан биридир.

Назира орани юксак мукофот билан кутлаш асносида сўхбатлашиб, қалбда кечаётган фикр-мулоҳазалари, туйғулари билан қизикдик.

– Аёл киши бўла туриб шу соҳани танлашим, терговчи бўлиб иш бошлашимдан тортиб, барча эришган ютуқларимда онам Қурбано Қосимованинг улкан ҳиссаси бор, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Шу сабабли давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитиб, дарров онам кўз олдимга келди. Бу ютуқ мени ҳар қандай вазиятда

ҳам қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб, маслаҳат ва ўғитларини аямайдиган онамнинг ҳам ютуғидир аслида. Насиб қилса, онамни йўқлаб борганимда, олган медалимни унинг кўксига тақиб қўяман.

Майор Назирахон Абдурасулова 2005 йилдан буён Қўқон шаҳар ИИОФМБда терговчи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

У кўплаб жиноятларни фош этишда жонбозлик кўрсатди. Аксарият адашган кишиларни тўғри йўлга солди, тергов қилиш жараёнида адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашди, қўлидан келганича одамларга яхшилик қилди.

Н. Абдурасулова терговчи сифатида иш бошлаганида майорлар Қаҳрамонжон Холматов ва Мадаминжон Солиев каби тажрибали устозлар кўмагида бой амалий тажриба тўплади. Эндиликда ўзи ҳам капитан Ёқутхон Шокирова, лейтенант Жаҳонгир Алижонов каби ўнлаб ёш терговчиларга устозлик қилмоқда.

Майор Назирахон Абдурасулова шундай мураккаб соҳада ишлаш билан бирга, ўз оиласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Турмуш ўртоғи тадбиркор, улар биргаликда 2 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишмоқда.

Донишмандлардан бири «Эрталаб ўзи севган касбини бажариш учун шошиб ўйидан чиққан ва кечга яқин яна ошиқиб оиласи бағрига талпинадиган одам дунёдаги энг бахтли инсондир», деган экан. Назаримизда, майор Назирахон Абдурасулова чинакам бахтли оиланинг бахтли бекаси, яъни



Назирахон АБДУРАСУЛОВА,
Қўқон шаҳар бўйича
Ички ишлар органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси
катта терговчиси, майор

бахтли инсон. Унинг яна бир бахти давлатимизнинг юксак мукофотиға сазовор бўлганидир.

Абдусовит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фаргона вилояти.



ХИЗМАТЛАРДА

ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ – ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ

Хоразм вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида турли ҳуқуқбузарликлар содир қилган 1320 нафар фуқаро белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, шахсини аниқлаш имкони бўлмаган 3 нафар фуқаро вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли реабилитация марказига, 11 нафар шахс эса наркология диспансерига жойлаштирилди.

Қидирув йўналиши бўйича амалга оширилган тезкор тадбирларда ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилди. Натижада қидирувда бўлган уч нафар шахс ушланиб, тегишли тартибда ички ишлар органларига топширилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган вақт мобайнида ўғирлик, талончилик, безорилик, фирибгарлик, оғир ва энгил тан жароҳатлари етказиш, қотиллик, номусга тегиш каби жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади.

– Бошқармамиз назоратидаги ҳудудларда 30 та қорхона ва ташкилот ҳамда Урганч халқаро аэропорти мавжуд, – дейди вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Мақсуд Худайберганов. – Темир йўллар атрофида 80 та маҳалла, 45 та ўқув муассасаси жойлашган. Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунли» ва чоршанба кунли «Темир йўлларда хавфсиз кун» тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Бу тадбирларда белгиланган ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, темирйўл



иншоотларига шикаст етказмаслик, вояга етмаган ёшларни эътиборсиз қолдирмаслик каби масалалар диққатимиз марказида бўлмоқда.

Афсуски, кенг қўламли профилактик тадбирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, баъзи фуқаролар қонун талабларига эътиборсиз муносабатда бўлишяпти. Масалан, ўтказилган тезкор тадбир давомида Урганч шаҳрида яшовчи Б.Шохруҳ ва М.Отаназар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2,56 грамм марихуна гиёҳвандлик моддасини сотаётган пайтида қўлга олинди.

Темир йўлларда содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Темир йўлларнинг аҳоли зич ҳудудларидаги пиёдалар ўтиш жойларига огоҳлантирувчи белгилар, қўриқланмайдиган темирйўл кесишмаларига огоҳлантирувчи қизил ва кўк чироқлар ўрнатилди. Бу каби профилактик тадбирлар натижасида хизмат ҳудудларида бахтсиз ҳодисалар содир этилишига йўл қўйилмади.

Бугунги кунда айрим ёшларимиз турли салбий иллатлар, қолаверса, оила-турмуш доирасидаги муаммолар, ота-оналарнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги туфайли ҳуқуқбузарликларга қўл уришмоқда.

Осойишталик посбонлари бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида темирйўлга яқин ҳудудлардаги маҳаллаларда тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида белгиланмаган ҳудудларда 94 нафар вояга етмаган мақсадсиз юргани аниқланиб, улар тилхат орқали ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун 9 нафар ўғил-қизнинг ҳужжатлари шаҳар ва туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим ўрин тутди. Шу боис ходимларнинг маънавий онги, маданияти, сиёсий-ҳуқуқий билим савиясини ошириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, ходимларнинг оилавий шароитини ўрганиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, хизматини муносиб баҳолаш ҳамда рағбатлантириб боришга катта эътибор қаратилляпти. Ўз хизмат фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган 69 нафар ана шундай фидойи ходим пул мукофоти, 5 нафари эса «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.

Фурқат СОБИРОВ олган сурат.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бу жараёнда бошқа идоралар билан ҳамкорлик

Бутун дунё бўйлаб юзага келган пандемия билан боғлиқ ва бошқа турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш борасида республика миқёсида бир қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Фавқулодда вазиятларда самарали фаолиятни таъминлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишни кучайтириш, бу борада нималарга кўпроқ эътибор қаратиш бўйича бугунги

ли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш қирадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тинчлик ва алоҳида даврда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тад-

табий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтириш борасида тегишли барча идора ва ташкилотларга бир қатор қўшимча вазифалар киритилди.

«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда



мувофиқлаштиради ва ФВДТнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этади. Шунингдек, вазирлик ФВДТ бошқарув органи билан аҳолини сейсмик жараёнлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайди ҳамда ФВДТ функционал куйи тизими таркибида ёнгин хавфсизлиги хизмати, сейсмик хизматини ташкил этади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

- ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Қарорда, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги, Транспорт ва Энергетика вазирликларининг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор ФВДТнинг мазкур вазифаларга кўра такомиллаштирилишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда бошқарув жараёни, куч ва воситаларнинг доимий тайёрлигини таъминлайди.

Н. УҚТАМОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги фуқаро муҳофазаси институти доценти.
Н. НАЗАРОВА,
ўқитувчи.



кундаги долзарб вазифалар назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан ваколатига аҳо-

бирларини самарали ташкил этиши ҳамда амалга ошириш масалалари анча такомиллаштирилди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ, фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини пасайтириш, юзага келган шaroитларда одамлар ҳаётини асраш ва соғлигини сақлаш,

вазиятлар давлат тизимида (ФВДТ) аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилади, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга доир ишларни

- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги қарорининг 2-иловасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эса Фавқулодда вазиятлар чоғида жамоат тартибини, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди.
- Шунингдек, Тиббий ёрдам хизмати билан ҳамкорликда жабрланган ва вафот этган аҳолини ҳисобга олади.
- Бундан ташқари, ФВДТнинг функционал куйи тизимининг Жамоат тартибини сақлаш хизмати, йўл

ФОТОИНФОРМАЦИЯ

Добрый доктор Садикова



Насибохон Садикова вот уже тридцать лет, так сказать, на страже защиты здоровья сотрудников органов внутренних дел. За эти годы Насибохон Хамидовна проделала долгий путь на профессиональном поприще. Начала свою работу в рядах ОВД после окончания Андижанского государственного медицинского института, в 1990 году, в должности эксперта-терапевта ВВК Медицинского отдела УВД Наманганской области. Спустя три года была назначена начальником поликлиники, затем следовали должности участкового терапевта, врача ВВК. На сегодня Насибохон Садикова – врач-терапевт поликлиники Медотдела областного УВД.

Коллеги с почтением отзываются о Насибохон Хамидовне, отмечая ее как профессионала своего дела, отзывчивого со-

служивца, внимательного, доброго доктора. Широкие знания, большой опыт во врачебном деле позволяют ей справиться с любыми сложными задачами в ходе деятельности. Главное – благодарность пациентов и уважение коллег, а все остальное решаемое.

В семье у доброго доктора выросли три дочери. Одна работает в подразделении Национальной гвардии, другая – в органах внутренних дел, а третья – домохозяйка. Дочери могут по праву гордиться своей матерью, ведь она несет своей самоотверженной службой добро людям, помогая им в короткое время победить болезнь и вернуться в нормальное жизненное русло.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».
Наманганская область.

ҚУТЛОВ

ЎЗ ТАЖРИБАЛАРИНИ
ЎРГАТИБ



Ички ишлар органларида узоқ йиллар хизмат қилган, пенсияга чиқса-да, ҳамон осойишталик посбонларига ўз тажрибаларини ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган фахрийларимиз талайгина. Улар орасида Юнусобод тумани ИИОФМБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Олимхон Исақонов ҳам бор.

О. Исақонов ўттиз йилдан ортиқ умрини юрт тинчлиги ва эл осойишталигига бағишлади. 1968 йилдан 2002 йилгача Тошкент шаҳар ИИББ идора ва тизимларида турли лавозимларда хизмат қилди. 2009 йилдан ҳозирги лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Қахрамонимиз 7 ноябрь санасида қутлуғ 75 ёшини қаршилайди. Шу муносабат билан ўзининг фидокорона хизматлари натижасида обрў-эътибор орттирган касбдошимизни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Мустақкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари ва неваралари ардоғида умргузаронлик қилиб юришига тилакдошимиз. Биз билан бир сафда туриб, шогирдлар ва соҳада фаолият юритаётган кўплаб ходимларга маслаҳатгўй бўлиб юринг, деб қоламиз.

Хурмат билан,

Тошкент шаҳар ИИББ Фахрийлар кенгаши ва Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши.

ТАДБИР

ЁШ КИТОБХОНГА – «СПАРК»



Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Хоразм вилояти ИИБ томонидан «Энг яхши китобхон», «Мен севган асар», «Бадий китоблар билимдонини», «Мен севган адиб», «Китоб – энг яхши дўст» каби кўплаб маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Урганч шаҳрида «Урганч китоб маркази» томонидан «Энг китобхон оила» акцияси доирасида навбатдаги тадбир ўтказилди. Акцияда 300 нафарга ақин китоб-севарлар иштирок этишди. Ҳакамлар ҳайъати акция иштирокчилари билан харид қилган китоблари бўйича савол-

жавоблар ўтказишди. Энг зукко ва зеҳнли китобхонлар орасида ўтказилган танловда Урганч давлат университетининг 1-босқич талабаси Гўзал Матризаева мутлақ Голлиб қолди ва унга бош соврин «Спарк» русумли автомашина тантанали равишда топширилди.

– Китоб – хазиналар қалити, тафаккур чирогидир, – дейди вилоят ИИБ Кадрлар бошқармаси хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бош инспектори, майор Юлдуз Ҳамдамова. – Зеро, тафаккури, дунёқараши кенг, маърифатли кишилар жамиятмизнинг чинакам таянчи, қудратли кучидир. Маънавият эса инсонда китоб ўқиш орқали шаклланади. Ҳар қандай янгилик бир кун келиб эскиради. Бироқ инсониятнинг асрлар давомида қўлга киритган тафаккур дурдоналари бўлмиш китоб асло эскирмайди.

Бугунги кунда ёш авлодни миллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда китобдан-да улғуроқ ва қудратлироқ восита йўқ.

Тантанали тадбирда вилоят ахборот-қутубхона маркази ходимлари ҳам иштирок этиб, акцияда фаол иштирок этган китобхонларга хазиналар қалити бўлган турли китоблар совға қилишди.

«Энг китобхон оила» акцияси 2021 йилнинг 21 мартига қадар давом этади.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

ДАФТАРДАГИ РЎЙХАТ
ХЎЖАКЎРСИНГА ЭМАС!

Жамиятимизда хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 8 октябрь куни бўлиб ўтган жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бағишланган селектор йиғилишида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, режали мақсад ва вазифалар белгилаб берилган эди.

Жумладан ижтимоий Ҳимояга муҳтож аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари» жорий қилинди.

Видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини ташкиллаштириш бўйича Навоий вилояти 3-сектори раҳбари, Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Р. Турсунов иштирокида Нурота туманида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими



У. Халилов, секторлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Нурота туманида 17055 та хонадон, 22828 та оила мавжуд. Аҳолининг 21163 нафарини аёллар, 20257 нафарини эса ёшлар ташкил этади. Тадбирда ёшлар ва аёллар муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш бўйича 11 кишидан иборат туман штаби, ҳар бир секторда 8 кишидан иборат сектор штаблари тузилди. Тумандаги 32 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 8 кишидан иборат 4 тадан ишчи гуруҳ ташкил этилди. Шунингдек, секторлар штабларида тегишли маълумот ва ҳисоботларни базага киритиш учун ҳар бир маҳаллага масъул ходимлар бириктирилди. Ўйлаيمизки, бу каби саяҳатлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради.

Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

ГИЁҲФУРУШНИНГ ЯНА БИР ҚИНФИР ИШИ

Урганчлик М.С. томорқасига 4 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, уни парваришлай бошлади. Мақсади гиёҳвандлик моддаси пишиб етилгач, уни сотиб, мўмайгина даромадга эга бўлиш эди. Аммо унинг жиноий режаси амалга ошмади. Хоразм вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида қилмиши фош бўлди.

М.С. жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида вилоят ИИБ ЖКБ бошлигининг ўринбосари, майор Шаҳриёр Исмоиловга 1000 АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилди. Майор Ш.Исмоилов унга пора олиш ва бериш билан боғлиқ ҳолатлар жиноят эканлигини ётиги билан тушунтирди. Аммо

«қайсар» гиёҳфуруш ўз ниятидан қайтмади.

Танлаган касбига садоқат билан хизмат қилишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган майор Ш.Исмоилов мазкур воқеа бўйича вилоят ИИБ раҳбариятига мурожаат этди. Ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда тезкор

тадбир ўтказилди ва осойишталик посбонига таклиф этилган пулнинг бир қисмини, яъни 500 АҚШ долларини пора тарқасида беришга уринган М.С. жиноят устида қўлга олинди.

Ўзининг ноқонуний қилмишини пора эвазига яширмоқчи бўлган М.С.га нисбатан қўшимча жиноят иши қўзғатилди.

Шу тариқа, давлат ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган ички ишлар органи ходимининг ҳалоллиги, хизмат бурчида садоқати туфайли яна бир жиноий ҳолат фош этилди.

Ўз мухбиримиз.

ЧЕККА ХУДУДЛАРДА

КОНИМЕХНИНГ МЕХРИ ҚАЙНОҚ ХАЛҚИ БОР ФИДОЙИ ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ХАМ

Навоий вилоятининг Конимех тумани бепоён Қизилқум чўли билан туташиб кетган. Туман аҳолиси ниҳоятда меҳнатқаш, сабр-тоқатли. Қумликларга бурканган она замин тафти уларнинг юрагига сингиб кетган. Йўқса, қишининг қаҳратонига чидаб, ёзнинг жазирамасига дош бериб, чўлни бўстонга айлантирган ҳолда тинимсиз меҳнат ва ҳаракатда яшаш осонми?! Бу ерга ташриф буюрсангиз, конимехликлар она заминининг ҳар бир қаричини қадрлайдиган, севадиган, метин иродали, меҳнатсевар халқ эканлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Туман ҳудудида 10 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 5 та овул фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 36200 нафардан зиёд аҳоли тинч-товуви истиқомат қилади. Албатта, уларнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш туман ИИБ ходимлари зиммасида. Соҳа вакилларининг фидойиларча хизмати туфайли қонун устуворлиги таъминланиб, ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида ўтказилаётган «Қорадори – 2020», «Назорат», «Қидирув» каби бир қатор тадбирлар ўзининг самарасини берапти. Пандемия даврида карантин талабларига риоя этилишини таъминлашга катта лейтенант Талъат Хўжаев ҳамда капитан Рустам Умаровнинг қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланиб, «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Туман ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Шу ўринда «Карак-Ата»

овул фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори, подполковник Нурадин Исламовнинг хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Соҳада салкам 20 йиллик тажрибага эга бўлган қаҳрамонимиз эл осойишталиги йўлида хизмат қилишни энг олий саодат деб билади.

«Карак-Ата» ОФЙ туман марказидан 130 километр узоқликда жойлашган бўлиб, 8 та овулни ўз ичига олади. Овуллар тарқоқ ҳолда жойлашган бўлиб, энг олис Шенгелди овули 70 километр узоқликда, Бухоро вилояти билан чегарадош. Бироқ масофа узоқлиги овул таркибига кирувчи 338 та хонадон вакилларининг бирдамликда, аҳил ва иноқ яшашларига тўсқинлик қила олмайди. Ҳамма бир-бирига қадрдон, дўсту биродар. Қайсидир оилада низо юзага келса, профилактика катта инспектори, овул оксоқоли ҳамда эл орасида ҳурматга сазовор кексалар биргаликда барҳам беришади. Жорий йилда 9 нафар оиланинг ярашуви таъминлангани ҳамжиҳатликда амалга оширилган ишларнинг ижобий натижасидир.



Овул фуқаролар йиғини ҳудудида сўнгги йилларда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Эпидемиологик вазият сабаб жорий этилган карантин тартиб-интизомини бузган 15 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилган, холос. Айти пайтда Нурадин Исламов 3 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган фуқаро билан профилактик сўхбатлар олиб бормоқда. Унинг жонқуярлиги сабаб, пандемия даврида овулда истиқомат қилувчи 11 нафар кам таъминланган оилаларга хайр-саховат кўмаги кўрсатилди.

– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларга жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашиш, энг асосийси, уларни тазйиқ ва зўравонликдан асраш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилган, – дейди туман ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант Машхура Бўстонова. – Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида хотин-қизларнинг оилавий низолари ва муаммолари ўрганиб чиқилиб, 11 нафарига химоя ордери берилди. Миллат тарбиячиси дея улуғланувчи аёлларимиз эркинлиги ва химоясини таъминлаш бизнинг зиммамиздаги бурч ва масъулиятдир.

Туманнинг «Наврўз» МФЙда истиқомат қилувчи Н.Л.нинг оила қурга-

нига 9 йил бўлди. Кейинги йилларда турмуш ўртоғи ичкиликка ружу қўйиб, Н.Л.га жисмоний зўравонлик қилиб келган. Аёлнинг туман ИИБга мурожаати ўрганиб чиқилиб, унга нисбатан химоя ордерининг берилиши поймол этилаётган ҳақ-ҳуқуқлари тикланишига асос бўлди. Олиб борилган профилактик тушунтириш ишлари натижасида зўравонликка чек қўйилиб, ажрим ёқасида турган бу оила мустаҳкамланди.

Туман ИИБ турли соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Хусусан, тезкор қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов ишларининг сифатли ҳамда самарали ташкил этилганлиги, ходимларнинг ўз вазифасини масъулият билан, сидқидилдан адо этиши барча жиноятларнинг тез ва осон очилишида муҳим омил бўлмоқда.

Хуллас, конимехлик осойишталик посбонлари жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлида фидойиларча хизмат қилишмоқда. Аҳоли улардан мамнун, ўз посбонларига ишонади, суянади. Бу эса энг катта мукофот.

Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.



ХИЗМАТЛАРДА

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ, ТЕЗКОР

Наманган вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари 221 километрда жойлашган 2 та вокзал, 14 та бекат, 6 та темирйўл корхона ва ташкилотлари, 9 та тоифаланган объект, шунингдек, Наманган халқаро аэропорти ва темирйўл изларига яқин ҳудудларда хавфсизликни таъминлаб келмоқда.

Соҳа ходимларининг фаолият йўналишларидан бири аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришдир. Темирйўлга яқин жойда истиқомат қилувчи аҳолига доимий равишда хавфдан узоқ бўлиши, белгиланган тартиб-

ларга қатъий амал қилиши ҳақида тушунтириб борилаяпти. Айниқса, болаларнинг ушбу ҳудудларда ўйнаши нафақат уларнинг соғлиғи, балки ҳаёти учун ҳам ўта хавфли эканлиги эслатиб ўтилмоқда.

Қўқон минтақавий темирйўл узелининг Наманган минтақасидаги корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даврида 385 марта рейд ўтказилди. Ушбу рейдлар давомида 33 та темирйўл кесишмаси ўрганиб чиқилиб, автотранспорт воситалари қатнови кўп бўлган, қўриқланмайдиган темирйўл кесишмаларида поездлар келишидан олдин темирйўл ходими томонидан ҳаракат

хавфсизлигини таъминланиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мазкур ҳудудларга йўл-транспорт ҳодисалари акс этган паннолар ва махсус белгилар ўрнатилди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба «Темир йўлларда хавфсиз кун» профилактик тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда ходимлар темирйўл ёқасидаги аҳоли кўп йиғиладиган гузарлар ҳамда автотураргоҳларга бориб, темирйўлларда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар акс этган видеороликларни фуқароларга кўрсатиш орқали уларни ҳушёрликка чорлаб келмоқда.

Азиза ЖОНИЕВА,
«Postda» мухбири.

Наманган вилояти.



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ



Жизненный путь оперативника и ученого

Общаться с профессором кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан полковником в отставке Тимуром Ринатовичем Саитбаевым истинное удовольствие. Эрудированный, тактичный, пунктуальный, Тимур Ринатович – представитель научной когорты нашей страны, воспитавший не одно поколение сотрудников органов внутренних дел, стоящих на страже мира и спокойствия граждан.

На днях в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан в числе ряда правоохранителей полковник в отставке Т. Саитбаев был награжден орденом «Мехнат шухрати».

Путь героя нашего повествования к всеобщему признанию и почету начался в 1976 году – Тимур Саитбаев решил встать в строй правоохраны и по направлению УВДТ МВД Узбекистана (ныне Управление обеспечения общественного порядка на транспорте МВД республики) уехал поступать в Омскую высшую школу милиции (сегодня это Омская Академия МВД Российской Федерации), готовившую специалистов по направлению уголовного розыска. По окончании учебного заведения, в 1980 году, Тимур Саитбаев вернулся в родные края и в звании лейтенанта стал служить оперуполномоченным в подразделении УВДТ МВД.

Работа, как говорится, на земле, в условиях, когда в соответствии со складывающимися обстоятельствами приходилось принимать самостоятельные решения, закалила молодого сотрудника, научила умению ориентироваться в ситуации, действовать быстро и грамотно. Сложившийся стереотип службы оперативников в стиле детективного жанра нам всем известен по популярным ныне фильмам и сериалам, изобилующим погонями, стрельбой и яростными схватками с преступными элементами. Однако работа оперативника по большей части все же зиждется на аналитической составляющей – тогда, благодаря грамотным и продуманным

действиям, подкрепленным точной информацией, опытные сотрудники могут обойтись без обострения ситуации и возмут подозреваемого в преступлении «теплым», без шума и стрельбы. Хотя... волк, загнанный в угол, всегда непредсказуем, и всякое бывает в этой сложной и опасной профессии.

Наработав немалый опыт оперативной работы, Т. Саитбаев со временем перешел к научной деятельности, три года посвятив адъюнктуре, и в 1987 году защитил степень кандидата юридических наук. В Ташкентской школе МВД (ныне Академия МВД Республики Узбекистан) началась новая страница профессионального

становления. За многие годы плодотворной деятельности в Академии МВД Республики Узбекистан профессор полковник в отставке Тимур Ринатович Саитбаев воспитал огромное количество правоохранителей, избравших путь оперативного сотрудника.

– Стать настоящим оперативником непросто, – говорит Т. Саитбаев. – Это целое направление в деятельности органов внутренних дел, взаимодействующее с другими службами. Суметь установить личность подозреваемого, выйти на его след, задержать, раскрыть преступление – для этого необходимо обладать неординарными способностями, умением и талантом.



Профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан полковник в отставке Тимур Ринатович Саитбаев. Награжден орденом «Мехнат шухрати».

Нужно серьезно относиться к сбору необходимой информации, уметь ее анализировать, тогда легче проводить задержание. Многое зависит от обстановки, состава преступления, но на первом месте, конечно, профессионализм оперативника.

Несмотря на то, что в 2011 году герой нашего повествования вышел на заслуженный отдых, ему неведомо понятие «свободное время», потому как Тимур Ринатович активно продолжает свою преподавательскую и научную деятельность в Академии МВД. Он является автором множества научных трудов, преподает курсантам на кафедре Оперативно-розыскной деятельности, активно участвует в воспитании молодежи.

– Награду, которой я удостоился, считаю результатом работы коллектива, – делится Т. Саитбаев, – беззаветной службы не только моей, но и моих коллег. От всего сердца выражаю благодарность нашему уважаемому Президенту, руководству МВД и Академии за то, что по праву оценили наш вклад в общее дело. Уверен, что и в будущем оправдаю возложенное на меня доверие и продолжу трудиться эффективно и плодотворно на благо любимой Родины!

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ, КУЗАТУВ ВА КЎМАК

Жорий йилнинг 27 октябрида «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун шу қонунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳам бу борадаги ваколатлари белгилаб берилган.

Қонунга кўра, вазирлик наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади. Шунингдек, наркологик ёрдам соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқароларнинг, аввало ёшларнинг психоактив моддаларни ноғибий равишда истеъмол қилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади. Улар психоактив моддаларни истеъмол

қилувчи шахсларни аниқлаб, тиббий текширувдан ўтишга олиб боради.

Соҳа ходимларининг яна бир муҳим вазифаси соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг хулосалари асосида наркологик касалликларга чалинган шахсларни профилактик ҳисобга олишдан иборат. Бундан ташқари, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, зарур бўлганда эса ушбу шахсларни суднинг қонуний қучга кирган қарори

асосида наркологию муассасаларига олиб боришга кўмаклашади.

Маълумки, жазони ижро этиш тизимида ихтисослаштирилган муассасалар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурул чоралари қўлланилган шахсларни мазкур муассасаларда мажбурий даволашни амалга ошириш ҳам, табиийки, ички ишлар органлари ходимлари зиммасидаги вазифалар сирасига киради.

Наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиққан шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осон кечмайди. Улар яна захри қотилга ружу қўйиши мумкин. Шу боисдан ички ишлар органлари ходимлари ушбу тоифадаги шахслар устидан кузатуви ташкил этади ҳамда уларни

ишга жойлаштиришга ва уларнинг маиший мослашувига кўмаклашади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш наркологию касалликлар профилактикасини беvosита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилишни тақозо этади, албатта. Соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари, меҳнат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шулар жумласидандир. Маълумот ўрнида ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ушбу йўтгач кучга киришини қайд этиш лозим.

Бобомурод ТОШЕВ,
«Postda» мухбири.

НАЖОТКОРГА АЙЛАНГАН ФИДОЙИЛАР

ИИВ Тиббиёт бошқармаси томонидан ҳам мамлакатимизда эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу йўналишда мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари ижроси таъминланмоқда.

Мамлакатимиз фуқароларини чет эллардан эвакуация қилиш даврида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлашга жалб қилинган ходимлар тўлиқ шахсий ҳимоя воситалари (бир маротаба ишлатиладиган комбинзон, юз ниқоблар, тиббий қўлқоплар) билан таъминланди. Карантин тадбирлари амалга ошириш жойларга хизматга жалб қилинган ходимларнинг тиббий хизматини амалга ошириш мақсадида, вазирлик Тиббиёт бошқармаси ходимлари карантин ҳудудларида фаолият олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудда жойлашган блокпостларда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида 13 нафар шифокордан иборат 5 та мобил гуруҳ ташкил этилиб, йўналишлар белгилаб берилди. Ташкил этилган гуруҳлар Тошкент шаҳрига кириш ва чиқиш жойларида ўрнатилган 31 та блокпостда хизмат олиб бораётган ҳар бир ички ишлар органлари ходимини махсус ҳимоя ҳамда антисептик воситалари билан таъминланмоқда. Шу билан бирга, блокпостларда кундузги ва тунги смена-ларда хизмат олиб бораётган 376 нафар ходимдан коронавирус касаллигини аниқлаш мақсадида тест си-

намалари олинмоқда. Ҳар бир мобил гуруҳ ва блокпостлар масофадан тана ҳароратини ўлчаш аппарати билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссия ййғилиш баёнига мувофиқ, чартер рейслар орқали келган фуқароларни реабилитация қилиш тадбирларида ҳам ИИВ тиббиёт ходимлари фаол иштирок этди.

Юртимизда оғир ва синовли кунлар кечаётган пайтда Сардоба сув омборида рўй берган табиий офат яна бир бор халқимиз иродасини синади. Жорий йилнинг 3 май кунидан

сув тошқини оқибатларини бартараф қилиш тадбирига жалб этилган ички ишлар органлари ходимлари орасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича ташкил этилган чора-тадбирларда иштирок этган ИИВ тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситалари, дори-дармонлар ва таркибида рух, кальций, магний бўлган дори воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, Ўртасарой ва Зангиота шифохонасига бириктирилган шахсий таркиб соғлиғини сақлаш мақсадида жалб этилган тиббиёт ходим-



Шухрат НИШОНОВ,
ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи,
подполковник.

биёт ходимларини ана шундай қаҳрамонлар, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Зеро, улар оилалари, фарзандлари, ота-онаси соғлиғини гаровга қўйиб, ўзгалар ҳаётини асраб қолишга уринмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз қасамёдида содиқ қолган шахс, мутахассис ва фуқаро сифатида абадий қаҳрамон бўлиб қолади...

Тизимда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг фидокорлиги ҳукуматимиз томонидан эътиборсиз қолаётгани йўқ. Бугунги кунга қадар 100 нафар ходим алоҳида эътироф этилиб, тақдирланди. Улар орасида I ва II даражали «Саломатлик» ордени, «Жасорат», «Шухрат», «Содиқ хизматлари учун» медаллари «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини ҳамда ИИВнинг идоравий нишонлари, фахрий ёрлиғи, эсдалик қўл соати соҳиблари бор.

Фурсатдан фойдаланиб, тизимда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этаман. Уларга метин ирода, энгилмас жасорат, туганмас соғлиқ ва саломатлик тилайман.



лари шахсий таркибдан ҳар 15 кунда ПЗР лабораториясига намуна олишни тизимли равишда олиб боришди.

Қаҳрамонларни ҳаётнинг ўзи тарих саҳнасига олиб чиқди, дейишди. Бугун шифохоналарда, стационларда, жонлантириш бўлимларида, тез тиббий ёрдам машиналарида, хонадонларда беморлардан, юртимиздан, умуман, бутун дунёдан COVID-19ни ҳайдаб чиқариш йўлида меҳнат қилаётган тиб-



САМООТВЕРЖЕННЫЕ СОТРУДНИКИ

НЕ ОСТАНАВЛИВАТЬСЯ НА ДОСТИГНУТОМ


В народе говорят: «Здоровье бесценно». В период пандемии это выражение приобрело особый смысл, а самоотверженный труд врачей – необычайную ценность.

Врач-невропатолог госпиталя при Медицинском отделе МВД Республики Каракалпакстан Якуб Бекимбетов за 28 лет трудовой деятельности поставил на ноги многих пациентов. Его благодарят люди и уважают коллеги.

Родом Я. Бекимбетов из Шуманая. В 1992 году окончил педиатрический факультет Самаркандского государственного медицинского института, вернулся в родной район, устроился в медицинское учреждение. Затем он работал заведующим отделения физиотерапии, заведующим детской поликлиникой, главным специалистом фонда «Соглом авлод учун». В 2001-м был назначен на должность заведующего реабилитационным отделением вновь созданного Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи. В 2003 году по предложению ру-

ководства МВД Республики Каракалпакстан принимал участие в переоборудовании санатория при министерстве.

– В лечебном учреждении, которое мы должны были перепрофилировать, стояла устаревшая техника, – вспоминает Я. Бекимбетов. – Вместе с начальниками санатория – Мусой Ешжановым и Полатом Айтмуратовым оснастили клинику современным оборудованием, нашли специалистов по мануальной, игло- и физиотерапии. Пациенты излечивались, и это повышало доверие сотрудников к нашему учреждению. Позднее санаторий



был реструктуризирован в госпиталь, его возможности стали еще шире. С глубины 600 метров начали добывать обогащенную йодом и бромом воду. В ней содержатся микроэлементы, способствующие улучшению функции щитовидной железы, нормализации нервной системы.

В 2019 году было построено двухэтажное здание госпиталя, проведен современный ремонт, установлено новое оборудование, что повысило эффективность проводимой в клинике реабилитации. В госпитале свое здоровье поправляют сотрудники органов внутренних дел, члены их семей, ветераны системы.

Сотрудники органов внутренних дел, ввиду специфики службы, не всегда уделяют внимание своему здоровью, поэтому работники Медицинского отдела МВД Республики Каракалпакстан на местах проводят консультацию и дают стражам порядка необходимые рекомендации.

25 октября текущего года в связи с празднованием Дня сотрудников органов внутренних дел Я. Бекимбетов был награжден очередной почетной грамотой МВД Республики Каракалпакстан.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
корреспондент «На посту».
Каракалпакстан.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ САОДАТИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

– Феруза Гулямовна, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлашдек ўзига хос машаққатли вазифаларни бажарётган соҳа ходимлари саломатлигини асраш асосий мақсади бўлган шифокорлар жамоаси қандай шакллантирилган ва улар қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратмоқда?

– Дарҳақиқат, ички ишлар органларида ҳар бир топширик, вазифа ходимлардан профессионал ёндашувни, ирода, мардлик ва фидойиликни талаб этади. Бунда ходимларнинг сихат-саломатлиги ўта муҳим масала эканлигини унутмаслик керак. Бугун бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш, сифатли тиббий хизматни йўлга қўйишда поликлиникамиздаги профилактика, терапия, жарроҳлик, педиатрия, диагностика, физиотерапия ва уйда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда 20 ўринли кундузги стационар бўлими шифокорлари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Тўққиз нафар шифокордан иборат тор соҳа мутахассислари гуруҳи, марказий аппарат ходимларига хизмат кўрсатиш тиббий пункти, шунингдек турли йўналишдаги лабораториялар ҳам ходимлар хизматида. Ҳар бир бириктирилган шахсий таркибга тиббий профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, профилактик тиббий кўрик жараёнида кўрик сифати, касалликларни эрта аниқлаш, янги илгор технологиялар асосида муолажаларни ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз.

– Замоनावий тиббий анжомлар шифокорларга мақсадли фаолиятни ташкил этишда қўл келади, албатта. Бу борада сиз раҳбарлик қилаётган тиббиёт муассасасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Поликлиникамиз биносининг бир нечта бўлимлари янгидан қурилиб ишга туширилиши тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда қатор қулайликлар яратди. Ҳозирги кунда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, шахсий таркибга сифатли ва шошилч тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактика ва даволаш усулларини замон талабларига мос равишда олиб боришда янги тиббий асбоблар ва жиҳозлар

ходимлар орасида юрак ритмининг бузилишлари, юрак чап қоринчасининг гипертрофияси дастлабки белгилари, организмнинг стресс реакцияси, депрессив ҳолатлар, юрак ишемик касалликларининг дастлабки белгилари ўз вақтида аниқланмоқда.

– Коронавирус пандемияси шароитида «тилсиз ёв»га қарши курашишда шифокорлар билан ички ишлар органлари ходимлари биринчи сафда туриб фидойилик қилгани ҳалқимизнинг чинакам меҳрини қозонишди, десак, муболага бўлмайди.

– Пандемиянинг илк кунлариданоқ жорий этилган карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиш талаби қўйилди. Бунда жамоат тартибини



Феруза ЗАКИРОВА,
ИИВ Тиббиёт бошқармаси Марказий
поликлиникаси бошлиғи – шифокор, полковник,
II даражали «Саломатлик» ордени соҳиби



иш фаолиятимизда жуда қўл келмоқда. Мисол учун, биргина кардиовизор аппаратида олиб борилган диагностика мукамал текширув натижасида

сақлаш ва хавфсизлик чораларини кўриш ҳамда эпидемиологик осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ бошқа тадбирларда ички ишлар ор-

ганлари ходимлари «темир интизом» билан хизматда туришди. Уларни коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш мақсадида, «COVID-19»ни ташхислаш ва даволаш ишлари бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда. Қувонарлиси, бугун илк пандемия кунларида одамларда кузатилган ваҳима ва хавотир ўрнини ишонч ва масъуллик эгаллади. Бугун ички ишлар ходимларидан тортиб кенг жамоатчилик бу касаллик билан курашишни билади. Бу шифокорларнинг фидойилиги, осойишталик посбонларининг ўз ишига масъулият билан ёндашганлиги самарасидир.

– Истикболдаги режалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

– Тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида келгусида ходимлар билан ишлашда психолог ва социолог каби мутахассислар маслаҳатларини инobatга олиш зарур деб ўйлайман. Ва буни фаолиятимизга киритишни белгилаб олганмиз. Эндиликда поликлиникамизга ахборот коммуникацияси технологияларини киритиш, яъни ҳар бир бемор ҳақида маълумотлар базасини яратиш борасида иш олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, даволаш стратегияси ва тактикасини танлаш, текширув алгоритмининг назорат қилиш, якуний натижа самарасини таҳлил қилишга ёрдам беради.

– Феруза Гулямовна, Президентимиз фармонида биноан, II даражали «Саломатлик» ордени билан тақдирланганингиз тўғрисида эшитганингизда кўнглингиздан нималар кечди?

– Бу муқофот нафақат менинг хизматимга берилган баҳо, балки эл тинчлигини сақлашдек шарафли касб эгаларининг саломатлигини сақлаш ва уларнинг хизматга шайлигини таъминлашдек улуғ ишга бош қўшиб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган марказий поликлиника жамоасига бўлган эътибордир. Устозларимнинг менга билдирган ишончини оқлай оляяманми, деган саволга ич-ичимдан жавоб топгандек бўлдим. Қолаверса, бу эътироф соҳада олиб борилаётган ишлар ривожи йўлида куч-ғайрат, янги ташаббус билан сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Фурсатдан фойдаланиб барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этаман. Оилавий тотувлик ва хотиржамлик тилайман.



МИННАТДОРЛИК

РАҲМАТ СИЗГА, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!

Мен чорак аср ички ишлар органлари тизмида хизмат қилиб, саломатлигим ёмонлашганлиги туфайли II гуруҳ ногиронлиги расмийлаштирилиб, истеъфога чиқарилгандим. Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси Реабилитация марказида (Самарқанд шаҳри) турмуш ўртоғим билан 14 кун давомида даволандим.

Мазкур марказда даволанувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган экан. Даволаш кортуслари тоза-озода, йўлаклар ва муолага хоналари ёғ томса ялагудек. Шифокорлар юқори малакали. Ҳамшираларнинг ширинсуханлигини айтмайсизми. Хоналар ёруғ, шинам, барча бўлимлар замоनावий тиббиёт асбоб-ускуналари, керакли дори-дармонлар билан тўла таъминланган.

Реабилитация марказида мени ички касалликлар шифокори Ойгул Раҳимова, моҳир ҳамшира Дибра Ҳодирова, терапевт шифокорлар Шўрат Жуманиёзов, Гулҳезра Саломова даволандилар. Ушбу тиббиёт масканида беморларни қабул қилиш ва

тиббий хизмат кўрсатиш ишлари пандемия шароити талабларига амал қилинган ҳолда ташкил этилган. Марказ бошлиғи, подполковник Раҳимжон Эшпўлатов, унинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, капта лейтенант Асмад Холмуродов ва даволанувчи шифокорлар ҳар бир бемор билан суҳбатлашиб, уларнинг аҳволи, ташхиси, қандай дори-дармонлар билан даволанаётганлиги, камчиликлар бор-йўқлиги, истаклари, овқатлар сифати, қўйингки, одамларнинг кўнглидагидек даволанишига алоқадор барча масалалар билан жиддий қизиқишади. Уларнинг даволанувчилар қалбига йўл топиб, хушмуомалалик билан дардларига даво бўлаётганликлари, шифокор ва инсон сифатидаги фазилатлари ҳар қанча таҳсинга муносибдир. Мен уларнинг барчасини касб байрамлари билан муборакбод этаман. Раҳмат сизга, азияз шифокорлар!

Ҳурмат билан,
Файзулло ЖУМАНАЗАРОВ,
истеъфодаги капитан.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА
суҳбатлашди.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

**Культура общения – важный фактор
повышения имиджа системы**

Глава государства не раз высказывался о том, что преобразование органов внутренних дел невозможно без осознания стражами порядка необходимости повышения уровня личной культуры. Иначе невозможно вести диалог с населением, а значит, стать поистине народной структурой. Культура поведения блюстителя правопорядка, его умение общаться с гражданами напрямую влияет на имидж всей системы органов внутренних дел.

Культура общения в органах внутренних дел – это система сложившихся правил поведения, основанных на кодексе чести офицера, общечеловеческих принципах, национальных традициях, принятых в обществе этике и культуре речи.

В соответствии с главой 2 Правил этического поведения сотрудников Дисциплинарного устава органов внутренних дел Республики Узбекистан со дня приема на службу каждый сотрудник обязан соблюдать правила этического поведения. Это является одним из критериев оценки эффективности его деятельности.

Соблюдение сотрудником основных требований этического поведения предусматривает:

– вежливость, скромность и сдержанность в общении с гражданами, недопущение фактов дискриминации и проявлений предпочтения каким-либо лицам, группам или организациям, независимость от их влияния;

– уважение обычаев и традиций народов Республики Узбекистан и других государств, учет культурных и иных особенностей различных этнических, социальных групп и конфессий, содействие социальной стабильности, межнациональному и межрелигиозному согласию.

Особенность культуры общения сотрудников ОВД отличается спецификой службы. Если обычный гражданин нарушает те или иные нормы этикета, то за этим, естественно, последует отрицательная реакция окружающих, но никто не сможет привлечь его к ответственности. Совершенно иначе будет обстоять дело с сотрудником органов внутренних дел – незамедлительно последует дисциплинарное взыскание, предусмотренное уставом.

К основным правилам служебного этикета стража порядка относятся: вежливость, корректность, тактичность, скромность, простота, точность.

Вежливость – это норма взаимоотношений правоохранителя с окружающими людьми. Она включает внимательность, доброжелательность, деликатность и такт и исключает грубость, высокомерие и хамство.



Корректность заключается в умении не выходить из рамок общепринятых приличий, независимо от ситуации, общаться с любым человеком на равных. Сотрудник органов внутренних дел должен воспитывать в себе выдержку, так как часто оказывается в условиях, когда должен держать себя в руках, как бы при этом ни вели себя провоцирующие конфликт лица.

Тактичность – это чувство меры, которую необходимо соблюдать в разговоре, личных и служебных отношениях. Тактичный страж по-



рядка ненавязчив и неназойлив. Он бережно и внимательно относится к личности собеседника, не задает его «больные струны». Проявление такта – непереносимое условие положительного взаимодействия граждан и сотрудников ОВД.

Скромность и простота должны быть естественными в поведении блюстителя порядка. Скромный

том случае, если гражданин получил помощь от сотрудника. Те, кто носят форму стража порядка нашей Родины, должны быть образованными и культурными во всех отношениях людьми. Культура речи, а равно и общения, – это в конечном итоге культура мысли. Чтобы хорошо говорить, надо прежде всего правильно думать.

Специфическая значимость деятельности правоохранителей вытекает из тех задач и функций, которые возложены на органы правопорядка и их сотрудников. Каждый сотрудник – от рядового до генерала облечен государственной властью, от имени государства охраняет правопорядок, наделен определенными властными полномочиями. Именно это обстоятельство требует от каждого стража порядка быть всегда подтянутым, опрятно одетым в установленную форму одежды, строгим, решительным, но вежливым.

Как мы видим, культура общения и поведение сотрудника органов внутренних дел в обществе, при исполнении служебных обязанностей и в любой штатной или неординарной ситуации напрямую влияет на имидж органов внутренних дел.

В связи с проводимыми в стране реформами в последние годы огромное значение уделяется повышению имиджа правоохранительных органов, взаимодействие населения и стражей порядка вышло на новый, невиданный доселе уровень. Это диалог, основанный на принципах гуманизма, уважения каждой личности. Отраднo, что это обоюдный процесс. Все чаще люди стали относиться к блюстителям порядка как к помощникам, советчикам, оказывающим поддержку в самых непростых ситуациях, а к самой структуре – как к органу, способному защитить население и Родину от внутренних и внешних угроз.

Повышающийся год за годом имидж органов внутренних дел способствует привлечению в ряды сотрудников новых, полных сил и желания работать на благо народа и Родины, вежливых, соблюдающих этику, высококультурных и образованных молодых людей. Есть твердая уверенность в том, что данный процесс будет набирать обороты и в скором будущем в рядах стражей порядка будут служить только такие сотрудники.

Подготовил
Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».



МЕСЯЧНИК

Борьба с правонарушениями продолжается

Согласно распоряжению Министерства внутренних дел Республики Узбекистан с 15 октября по 15 ноября проводится Месячник борьбы с правонарушениями и совершенствования служебной деятельности. В рамках мероприятия сотрудники УППСиООП УВД Бухарской области уже осуществили ряд профилактических мероприятий.



В частности, в целях предупреждения совершения преступлений и правонарушений в области создан 381 пост. 550 стражей порядка, 386 военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии и 1 037 представителей общественности несут круглосуточную службу по всем направлениям деятельности.

В ходе профилактических мероприятий были оформлены

административные протоколы по нескольким статьям Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.

В целях предупреждения совершения правонарушений и для раскрытия преступлений по горячим следам в регионе установлена 14 661 камера видеонаблюдения: 187 – в парках и скверах, 833 – на рынках, 159 – на объектах проведения массовых мероприятий, 176 – на автобусных остановках, 4 338 – на улицах. С начала проводимых мероприятий было смонтировано еще 170 камер видеонаблюдения. Необходимо оборудовать улицы и места массового скопления людей дополнительно 867 камерами.

За время проведения месячника в общественных местах, на улицах области не произошло ни одного преступления.

**Информационная служба
УВД Бухарской области.**



СПОРТ

Победители троеборья

На арене Андиганского областного ФСО «Динамо» и в тире УБДД УВД Андиганской области прошли состязания сотрудников различных служб и подразделений УВД Андиганской области по троеборью.



В турнире приняли участие 30 сотрудников органов внутренних дел. Участники соревновались в стрельбе из табельного пистолета ПМ, подтягивании на перекладине, беге на 3 000 метров.

По итогам троеборья первое место занял оперуполномоченный группы уголовного розыска ОВД № 6 УКД ОВД по городу Андигану лейтенант Фарходжон Жаббаров, набравший в общем зачете 13 баллов.

Обладателем второго места стал постовой сотрудник батальона ППС УППСиООП УВД области рядовой Акмалжон Дадабоев, набравший в итоге 10 баллов.

Третье место, с 9 баллами общего зачета, занял инспектор профилактики Джалакудукского РОВД капитан Ихтиёржон Эгамов.

Самым активным участником соревнований признан инспектор Управления кадров УВД Андиганской области лейтенант Икболжон Маниёзов.

Победителей троеборья в торжественной обстановке наградили дипломами и памятными подарками.

**Алишер ИСМОИЛОВ,
подполковник.**

На снимке: состязания в тире.

Фото автора.

ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ

Камень на рельсах

Сотрудник Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Самаркандской области сообщил о том, что на седьмом пикете 3 741-го километра железной дороги, между станциями «Гумбаз–Мароканд», по ходу движения скоростного поезда «Афросиаб», курсирующего по направлению «Карши–Самарканд–Ташкент», на рельсах был обнаружен камень.



В результате проведенных оперативных действий буквально через полчаса был выявлен нарушитель. Им оказался 40-летний житель МСГ «Жовулкосим» Пастдаргомского района Низом Ш.

Поддельные доллары

В результате специальной операции, проведенной сотрудниками отдела борьбы против контрабанды и таможенного аудита Самаркандского областного таможенного управления, на посту «Верхняя точка», расположенном на территории Булунгурского района, были выявлены поддельные доллары.

Нарушителем оказался водитель ISUZU Хамид Б., двигавшийся по трассе «Самарканд–Ташкент».

В ходе осмотра салона были найдены и изъяты 29 900 долларов США, имеющих одинаковые серийные номера.

В настоящее время по всем вышеперечисленным фактам возбуждены уголовные дела согласно соответствующим статьям Уголовного Кодекса Республики Узбекистан, ведется следствие.



Безопасность на дорогах

В целях сохранения общественного порядка, обеспечения безопасности дорожного движения, повышения эффективности работы в сфере профилактики правонарушений с 15 октября по 15 ноября текущего года в Самаркандской области проводится Месячник противодействия правонарушениям и совершенствования служебной деятельности органов внутренних дел.

В его рамках организуются широкомасштабные профилактические мероприятия по предотвращению преступлений и правонарушений на местах, с привлечением нарядов, состоящих из сотрудников органов внутренних дел, Национальной гвардии и служб охраны предприятий, организаций и учреждений.

**Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».**

Самаркандская область.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ — ТИЗИМ ИМИЖИНИ ОШИРУВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, жамиятнинг ҳар томонлама янгиланишида муомала маданиятининг ўрнини англаб яшаш ва хизмат қилиш ички ишлар органлари ҳар бир ходимнинг Ватан равнақи, юрт тинчлигини асраш йўлидаги муқаддас бурчидир.

Ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ходимлар кундалик хизмат фаолияти давомида турли касб эгалари, ҳар хил ёшдаги шахслар билан муносабатга киришади. Бу жараён ходимлардан муомала маданиятининг ўзига хос жиҳатларидан хабардор бўлишни талаб этади.

Ҳозирги кунда «образ», «қиёфа» сингари атамалар қатори, «имиж» тушунчаси ҳам кундалик ҳаётимизда кенг қўлланилмоқда. Аксарият мутахассислар томонидан ички ишлар органлари ходимлари имижининг таркибий қисмлари сифатида ташқи кўриниш, ҳуқуқий онг, шахсий сифатлар ва киришимлилиқ белгиланган. Ушбу хусусиятларнинг намоён бўлишида ходимларнинг муомала маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, инсоннинг фикрлаш даражасига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, муомала маданиятига риоя этиш ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ички ишлар органлари имижини шакллантириш, аввало, соҳа ходимларининг билим савиясига ва дунёқарошига боғлиқ. Чунки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ички ишлар органлари ходими тимсолида ўзининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай тажовуздан муҳофаза қилишга ва оғир дамда ёрдам беришга тайёр бўлган ҳимоячисини кўриши ҳамда ўзининг хавфсизлиги таъминланганлигини ҳис қилиши зарур.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари янги дунёқараш, янги тафаккурга эга бўлиши, иш услубини ўзгартириши, билимли, салоҳиятли ва фидойи бўлиши лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходим доимий равишда ўз устида ишлаб, зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажариши, ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билиши, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарур.

«Ички ишлар органларининг ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодекси»да ходимнинг фуқаролар билан мулоқот маданияти мезонлари, асосий қоидалар, мажбурият ва ваколатлари белгиланган. Бу каби саъй-ҳаракатлар, аввало, ички ишлар органлари ходимларини



лантириш ҳар бир ҳуқуқ-тартибот посбонининг ўзига хос вазифасига айланиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир ходим фуқаролар ва ҳамкасблари

қилаётган ходимнинг фуқароларга нисбатан беписанд ёки қўпол муносабатда бўлишга умуман ҳаққи йўқ. Ваҳоланки, улар ижтимоий йўналтирилган мулоқотдан фойдаланишса, бу ҳолат хизмат фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди ҳамда фуқароларда ички ички ишлар органлари ходимларига нисбатан салбий фикрлар юзага келишининг олдини олади.

Тизимда ходимлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича истиқболли ишлар қилинмоқда. Чунончи, ходимларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида ички ишлар органларининг барча бўғинларида, шу жумладан, таълим муассасаларида замонавий кутубхоналар ташкил этиш ва уларни янги асарлар билан бойитиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Зеро, китоб мутолааси инсон руҳиятини бойитади, уни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлайди, ёт иллатлардан сақлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолияти давомида муомала маданияти мезонларига амал қилиши зиммасидаги вазифаларни сифатли бажаришда, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда фуқароларнинг ички ишлар органларига нисбатан ишончи ортишида муҳим омил ҳисобланади. Шу тариқа, кенг жамоатчиликда ички ишлар органларига нисбатан ишонч, ҳурмат ҳисси кучаяди. Ўзаро ишончининг қучайиши натижасида ички ишлар органлари ходимлари ва фуқаролар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади. Бу эса жамиятда тинчлик, осойишталик таъминлашига хизмат қилиш билан бирга, ички ишлар органлари имижининг ошишига олиб келади.

Бунёд ДАВРОНОВ,
капитан.



халқимизга янада яқинлаштириш, фуқароларнинг соҳа ходимларига нисбатан ишончи ортишига эришиш имконини беради.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолияти юзасидан ҳар доим жамиятнинг диққат марказида бўлади. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ички ишлар органларининг имижига бевосита таъсир кўрсатади. Ходимларнинг хулқ-атвори ва саъй-ҳаракатига қараб, кўпчилик бутун тизимга баҳо беради. Бинобарин, ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар бир фуқарога ёрдам кўрсатиш, фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиш, шунингдек, юксак муомала маданияти орқали жамоатчиликда ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ижобий фикрни шакл-

билан ўзаро мулоқот чоғида одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратиши керак. Бундан ташқари, фуқаролар билан мулоқотда нутқ маданияти қоидаларига амал қилиш жуда муҳим саналади. Айтиш лозимки, бу борада Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 30 майдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари» ҳамда 2017 йил 14 июлдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида»ги буйруқлари ички ишлар органлари ходимлари учун дастуруламал бўлмоқда.

Зеро, биргина ходимнинг ноҳўя хатти-ҳаракати, тушунмовчилик ёки атрофдагиларга нисбатан қўпол муносабатда бўлиши бутун тизимда хизмат қилаётган кўп сонли шахсий таркибнинг кечаю кундуз фидойилик ва садоқат билан амалга ошираётган хизматларини йўққа чиқариши мумкин. Аслида халқ манфаати йўлида, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг розилигига эришиш йўлида хизмат



БИР
ХОВУЧ
ДУР

- Табассум билан айтилган чиройли сўз – садақадир.
- Ширин сўз билан илон инидан чиқади.
- Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар.
- Тиг яраси битар, тил яраси битмас.

ОЙЛИК ДОИРАСИДА

АСОСИЙ МАҚСАД – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб «Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш» ойлиги ўтказилмоқда. Қонунбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изи»да фош этиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирда бир қатор ижобий натижалар кўлга киритилмоқда.

Бу борада Касби тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Тадбир бошлангандан буён туман ҳудудида 292 нафар фуқаро ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги аниқланди. Шундан 135 нафари жамоат жойларида карантин талабларини бузган шахслардир. Бундан ташқари, тадбир давомида жиноят содир этганликларини учун суд томонидан белгиланган жазо муддатини ўтаб чиққан шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб борилиб, белгиланган қоидаларга амал қилмагани учун 3 нафар фуқарога нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди. Туман ҳудудида мақсадсиз юрган, доимий яшаш манзилга, иш жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган 6 нафар шахс профилактика инспекторлари томонидан аниқланиб, бошқарма ППХ



ва ЖТСБ Реабилитация марказига жойлаштирилди. Шунингдек, доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, оила аъзолари ва қўшнилар тинчлигини бузиб келаётган 6 нафар фуқаро яқинларининг муурожаатига асосан, даволаниш учун вилоят наркологи ва асаб-руҳий касалликлари диспансерига даволанишга юборилди.

Мамлакатимизда карантин талаблари бекор қилинмади, бироқ юшатиш ҳолати. Буни бошқача тушунган Майманок маҳалласида яшовчи икки нафар фуқаро карантин талабларини бузиб, 30 кишидан ортиқ одам йиғиб тўй ўтказгани тадбир давомида аниқланди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, чора кўриш учун туман СЗОМга юборилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ўтказилаётган профилактик тадбир ҳали давом этмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарликлар, жиноятларни эрта аниқлаб олдини олиш билан бирга қонунбузулишига замин ҳозирлаган шарт-шароитларни ҳам таҳлил этиб, жойларда маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда муҳокамалар ўтказмоқда.

Содиқ РАҲИМОВ,
«Postda» мухбири.

Қашқадарё вилояти.



ИФТИХОР

Оталар ўғил фарзанд кўрганда, қанчалик ғурурланса, фарзандлар ўғилларига ўрнак бўлган оталаридан ундан-да кўпроқ фахрланишади. Мен ҳам умрини шу азиз Ватан тинчлик-осойишталиги, халқимизнинг осуда ҳаёт кечирishiга бағишлаган инсоннинг фарзанди эканлигимдан чексиз ифтихор туяман.



ОТАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Отам, Исмоил Мустафоқулов 1986 йилда олийгоҳни тамомлаб, ҳарбий хизматга чақирилади. 1988 йил Қарши шаҳридаги Техникаларни таъмирлаш заводидида ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган отам бир зум бўлсин, болаликдаги орзулар оламидан чиқиб кетолмайди. Чунки салкам қирқ йил бир ташкилотда фаолият юритган, пенсияга чиққунига қадар йўл ҳаракати хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишлаган бобом Ҳаққул Мустафоқулов ўнта қизининг

ичида яккаю ягона бўлган ўғлининг дилига техникага муҳаббат чўғини солган.

Шу қизиқиш қўйнида катта бўлган отам барча синовлардан муваффақиятли ўтгач, 1989 йилдан Қашқадарё вилояти ИИБ Йўл-патруль хизмати Алоҳида отряди инспектори лавозимида хизматни бошлаган. Ўтган давр мобайнида вилоят ИИБ ЙХБда турли лавозимларда хизмат қилган отам охириги уч йил давомида вилоят ИИБ ЙХБ йўл назорати бўлинмасига раҳбарлик қилган. «Майор»

махсус унвонида иззат-икром билан пенсияга кузатилган...

2015 йил 17 июнь куни бевақт ўлим отамизни орамиздан олиб кетди. Бироқ унинг касбига бўлган содиқлигию она Ватанга садоқати, ҳамкасбларига нисбатан ғамхўрлиги, хизматга бўлган муҳаббати дўстлари, сафдошлари ва фарзандлари фаолиятида давом этмоқда.

Отамнинг хизмат фаолиятига фидокорона муносабати дилимда уйғотган меҳр йиллар ўтиб, ҳавасдан

орзуга, орзудан мақсадга айланди. Шу боис аввалига Тошкент давлат юридик университетини тамомлаб, 2017 йилда Шаҳрисабз тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси, сўнгра вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ва Тергов гуруҳи, Жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспектори лавозимларида хизматни давом эттирдим. Ҳозирги кунда ИИБ Марказий аппаратида хизмат қиялман.

Узоқ йиллар осойишталик посбонлари сафида хизмат қилиб, кўплаб шоғирдларга устозлик қилган отамдан мерос бўлган фидойилик, бағрикенглик фазилатлари ҳамда она Ватан тинчлиги, халқимиз хотиржамлигини сақлашдек шарафли касбга меҳр-муҳаббат мен учун ҳар недан устун туради. Шундай ҳисларни қалбимга жойлаган отам билан ҳақли равишда фахрланаман.

Шухрат ҲАҚҚУЛОВ,
катта лейтенант.

Суратда: Исмоил МУСТАФОҚУЛОВ.

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

ЁШ ХОДИМЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш – МУҲИМ МАСАЛА

Қайси соҳада ишламайлик, устозларнинг кўмагисиз ютуқларга эриша олмаймиз. Шу боис ички ишлар органлари тизимида ҳам устоз-шоғирд анъанасига қатъий амал қилинади. Ҳозирги пайтда ёш ходимларга бириктирилган мураббийлар шоғирдларига йўл-йўриқ кўрсатиб, соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб келишмоқда.

Албатта, бу яхши амалиёт. Аммо бугунги кунда мазкур жараён ҳудудларда қандай йўлга қўйилган? Устоз-шоғирд анъанаси кутилганидек самара беряптими?

– Ушбу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Узун, Сарисийё, Денов ва Олтинсой туманларида хизмат олиб бораётган ёш ходимлар ва уларга бириктирилган мураббийлар билан учрашувлар ташкил этидик, – дейди вилоят ИИБ Кадлар бошқармасининг маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бўлими ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант Бекзод Қурбоналиев. – Учрашувларда ходимлар томонидан хизмат интизоми ва қонунбузулиши ҳолатларининг олдини олиш, улар орасида салбий иллатларга чек қўйиш каби масалалар хусусида сўз борди. Мисол тариқасида жорий йилда бошқарма ходимлари томонидан содир этилган айрим қонунбузулиш ҳолатлари тилга олиниб, бошқалар бундай хатога йўл қўймасликлари зарурлиги таъкидланди.

Тадбирлар давомида ёш кадрларга бириктирилган мураббийлар фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, ишни тўғри ва тизимли ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Маълумки, ички ишлар органларида китобхонликни тарғиб этиш яхши йўлга қўйилган. Ҳатто туман ИИБларида кутубхоналар ташкил этилган. Бу масаланинг муҳимлиги эътиборга олинган ҳолда, ҳудудлардаги кутубхоналар фаолияти ҳам ўрганилди. Ходимлар, айниқса, ёш кадрлар ўртасида китобхонликни янада ошириш бўйича зарур вазифалар белгилади олинди. Жумладан, Сарисийё тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, лейтенант Асомиддин Шафоатов томонидан билдирилган ёш ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинини ташкил этиш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Бу ходимларни ўз устида ишлашга ундаши, китобга алоҳида меҳр қўйишига муҳим туртки бўлиши айтилади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

Суратда: вилоят.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

ЖАСОРАТДАН, МАТОНАТДАН СЎЙЛАЙДИ БУ БОҒ

Тинчлик, осойишталик — бебаҳо неъмат. Уни қадрлаш, доимо асраб-авайлаш керак. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан суҳбатлашсангиз, суронли йилларда халқимизнинг бошидан кечирган азоб-уқубатларни кўз олдингизга келтириб, қалбингиз эзилади. Бугунги дориламон кунлар қадрига етиб, дилдан шукроналар айтасиз.

Пойтахтимиздаги Галаба боғи ва ушбу гўша ичидаги «Шон-шараф» музейига саёҳат қилган киши ўша мудҳиш кунлар ҳақида ҳаққоний тасаввурга эга бўлади. Боғдаги суронли йиллардан сўзловчи техника, қурол-аслаҳа ва бошқа кўргазмалар, музейдаги экспонатларда эса оналар дилидаги мунг, келинчақлар юзидаги изтироб, гўдақлар кўзидаги соғинчи кўриш мумкин. Ёвқур йигитлар жангга отланар экан, уларнинг жасоратли, мардонвор нигоҳлари тасвирларда муҳрланган.

Ҳар бир кўргазма ёшларни ватанпарварлик, тинчликни қадрлаш, аждодлар хотирасига ҳурмат кўрсатиш руҳида тарбиялаши билан муҳим аҳамият касб этади.

Осойишталик посбонлари дастлаб тўрт фарзандини жангга жўнатиб, барчасидан жудо бўлган матонатли она монументига эҳтиром кўрсатиши. Жасур ўғлонларни дунёга келтирган ўзбек онасининг, матонатли, бардошли ўзбек аёлининг тимсоли эди бу. Унинг ёнида эса гўдақларини бағрига босганча унсиз, кўз ёшларсиз, дил-дилидан фарёд чекаётган бева келинчақлар она юрт тинчлиги учун бир жон эмас, минг жон фидо бўлсин, дейтгандек эди.

Жанг майдони акс этган манзаралар, ганимга қарши аёвсиз қурашаётган аскарлар, Ватан учун қурбон бўлган жасур ўғлонларни кўриб кўнгиллар мутаассир бўлади. Халқимиз уруш туфай-



қамраб олган. Ходимлар шу каби кўргазмаларни томоша қилиб таъсирланар, бир бирлари билан ҳиссиётларини ўртоқлашишарди.

«Шон-шараф» музейида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали

корлар томонидан ижро этилган шеър ва қўшиқлар, ария ва монологлар иштирокчиларга бениҳоя манзур бўлди.

Шундан сўнг жамоа музейдаги кўргазмалар билан яқиндан танишишди.

ларидан дostonлар ёзилиши мумкин бўлган онажонлар тасвирланган бу гўшада биз ёшлар тинчликни қадрлашни ўрганамиз.

Бу каби хайрли тадбирлар ёшларнинг маънавий-маъ-



Кўллаб ёшларимиз бу гўшага ташриф буюриб, қизиқарли маълумотлар олишарди. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ да хизмат қилаётган бир гуруҳ ёшлар ҳам «Галаба боғи»да бўлишди.

ли ота-онасидан айрилган болаларни асраб олиш, уларга меҳр-муруват кўрсатиш борасида ҳам дунёга намуна бўлган. Болалар узра кўтарилиб турган рамзий қўл ҳам ўзида олам-олам маънони

театри-нинг актёрлари томонидан ходимлар учун кўргазмали чиқиш ташкиллаштирилди. Элимиз ардоғидаги санъат-

– Боғ ва музейдан таассуротларим чексиз, – дейди лейтенант Хадича Ўтаева. – Чунки экспонатларда акс этган ҳар бир воқеа бир фильм бўлишга арзигулик. Уларнинг ҳар бири катта-катта китобларга битилган аждодларимиз жасорати ҳақида сўзлайди. Лаҳзалик соғинч-

рифий билимларини оширишда, қалбларда она Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, мардлик ва жасорат туйғулари камол топишида муҳим омил бўлади.

Шаҳризод ШОКИРОВ,
ИИВ ЖИЭББ Ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.



ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА



По статистике, более 85 процентов людей хотя бы раз в жизни что-нибудь да теряли. Чаще всего пропадают ключи, кошельки, документы, гаджеты, багаж. Тот, кто терял, не понаслышке знает: поиск потерянной вещи отнимает много сил, времени и нервов.

ПОТЕРЯННОЕ ВСЕГДА НАЙДЕТСЯ

Забить, обронить вещь можно где угодно. Одно из таких мест – общественный транспорт. Скоростной поезд «Афросиаб», позволяющий легко и комфортно путешествовать между Ташкентом, Карши, Самаркандом и Бухарой, – не исключение.

Однако не все знают, что находить потерянные деньги, ценности, документы помогают инспектора групп профилактики правонарушений батальонов сопровождения пассажирских поездов Главного управления обеспечения безопасности на транспорте МВД Республики Узбекистан. Человек, нашедший что-то чужое и решивший поступить по совести, всегда может обратиться к инспектору профилактики. Кроме того, на конечной станции вагоны проверяются, в случае обнаружения забытых вещей, они складываются в специально отведенной комнате.

Таким образом, если пассажир сошел с поезда и понял, что оставил там что-то, ему следует незамедлительно обратиться к начальнику станции или вокзала. От пассажира примут заявление на розыск вещи, при этом попросят описать ее, а также указать место, где она была забыта.

Начальнику поезда, в котором была забыта вещь, со станции отправят телеграмму. Далее пассажиру нужно ждать звонка о результатах розыска. Если вещь найдут, ее снимут с поезда на ближайшей остановке и направят на станцию, откуда поступило заявление.

Если же пассажир вспоминает о забытом имуществе сразу, то обращаться нужно на последнюю станцию маршрута поезда. Когда сотрудники находят вещи, составляется соответствующий акт с их описанием. Если будут обнаружены документы с контактами владельца, с ним непременно связываются.

Такие ситуации случаются практически ежедневно.

К примеру, 13 октября 2020 года пассажир поезда «Афросиаб», следовавшего по маршруту «Ташкент-Бухара-Ташкент», проживающий в Шараф-Рашидовском районе Джизакской области, в вагоне забыл принадлежащую ему барсетку, в которой были паспорт, иностранная валюта (920 арабских дирхамов, 10 долларов США), две карты Visa, на которых имелись 5 000 арабских дирхамов, а также сумовая карта. В результате расследования, проведенного



инспектором профилактики правонарушений лейтенантом Ш. Худойбергеновым, сумка была найдена и возвращена владельцу.

15 октября текущего года в одном из вагонов поезда «Афросиаб», между сидениями были найдены 850 долларов США. Было установлено, что предполагаемый владелец денег сошел на вокзале города Самарканда. Информацию тут же передали в дежурную часть. Оперативно найти владельца денег удалось во многом благодаря усилиям инспектора группы профилактики правонарушений лейтенанта У. Мирзакаримова.

А вот еще одна история со слов самого пассажира:

– В этот день я направлялся на поезде из столицы в город Навои. В вагоне забыл барсетку между сидениями и покинул поезд. Через некоторое время из дежурной части мне сообщили, что сумка найдена. В присутствии понятых мне ее возвратили со всем содержимым, а это 1 147 000 сумов, телефон, ключи, две сумовые карты. Огромное спасибо сотрудникам Главного управления обеспечения безопасности на транспорте МВД Республики Узбекистан.

Сотрудники, сопровождающие поезда, ежедневно слышат слова благодарности от забывчивых пассажиров. И слова эти искренние, ведь им возвращают дорогое для них имущество, с которым они, казалось бы, уже распрощались.

Азиза БОХОДИРОВА,
старший лейтенант.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

«ЮГУРАЁТГАН» «ТЕЗ ЁРДАМ»

«103» рақамига қилинган телефон кўнғироғига ўз ишининг устаси бўлган чақирувларни қабул қилувчи диспетчерлар томонидан ҳушмуомалалик билан берилган «Алло, тез тиббий ёрдам хизмати эшитида», деган жавобдан сўнг бемалол муружат қилишингиз мумкин...

— Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фуқароларимиз соғлигини тиклаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори Умидилла Рискиев. — Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни кунда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, пойтахтимиз аҳолисига 203 та шошилич тез тиббий ёрдам машинаси хизмат кўрсатмоқда. Бир кунда ўртача 3600 та чақирув бўлишини ҳисобга олсак, ҳар бир автоулов ўртача 18 та чақирувга боришига тўғри келади. Одатда шошилич тиббий ёрдам тезкорлик билан муолажа қилиниши зарур бўлган, ҳаёти хавф остида қолган одамлар учун чақирилади. Аммо оддий қон босимини ўлчаш ёки шамоллаш билан боғлиқ ҳолатларда ҳудудий поликлиникага бормай, тез ёрдамга кўнғироқ қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Дарҳақиқат, оғир аҳволдаги бемор умидбахш сўз ва тиббий муолажага эҳтиёж сезади. Унга вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш зарур. Лекин юртдошларимиз орасида тез тиббий ёрдамга қачон ва қандай ҳолатда муружаат қилиш маданияти ҳақида тасаввурга эга бўлмаганлар ҳам учраб туриши ачинарлидир.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейишади. Ҳар биринсон саломатлигини муҳофаза қилиш шифокорларнинг муқаддас бурчидир.

— Пойтахтимиз аҳолисининг аксарият қисми кўп қаватли уйларда истикомат қилади, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси автоҳўжалиги директори Баходир Тешабоев. — Уйларнинг йўлақлари ва олдига одамларни шахсий автомобилларини кўяди. Тўғри, ҳамма жойда ҳам автогурроҳ ёйқ. Уларни ҳам тўғри тушуниш керак. Лекин юртдошларимиз тез тиббий ёрдам ва ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари беморга тиббий ёрдам кўрсатиш ёки «тилсиз ёв»ни бартараф этиш мақсадида борганда, кўплаб ноқулайликларга дуч келишяпти. Буни бартараф этиш учун ҳокимият мутасад-

дилари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар билан тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу ўринда баъзи кўчаларнинг номлари, уйларнинг рақами ёзилмаган ҳолатларнинг ҳалиям учраб туриши манзилни топишда тез ёрдам хизмати ходимлари учун маълум қийинчиликларга сабаб бўлаётир. Тез ёрдам хизматида тезкорлик асосий ўрин тутгани ўз навбатида ҳайдовчилардан белгиланган манзилга зудлик билан етиб бо-

ди. Биз эса тез тиббий ёрдам машинасига мавжуд йўлдан ўтишга ҳам имкон бермаймиз. Кўплаб ҳайдовчилар тез тиббий ёрдам машинасини кўрсатмадан, унга йўл очмайди. Бу аксарият юртдошларимизда йўлларда ҳаракатланиш маданияти шаклланмаганини кўрсатади.

Тошкент шаҳрида йил бошидан буён шошилич тез тиббий ёрдам машиналари билан боғлиқ 14 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Уларнинг аксарияти чорраҳаларда, муўлишларда ёки светофорнинг қизил чироғи ёниб турган вақтда ҳаракатланиш чоғида юз берган.

Тез тиббий ёрдам автомобиллари кўп ҳолларда махсус маёқчасини ёқиб, ҳаракатланаётган бўлади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, майор Қахрамон Худойбергандов. — Бу уларнинг оғир аҳволдаги беморга шошилич ёрдам кўрсатиш учун ошиқётгани ёки унга тезда тиббий муолажа қилиш зарурати мавжудлигини аналтади. Асосий йўл-транспорт ҳодисалари чорраҳаларда содир этилаётганини назарда тутсақ, ҳайдовчиларда йўлларда ҳаракатланиш,

лигини таъминлаб, ёнида машина йўқ бўлса, ўтиб кетиши керак. Яъни, махсус имтиёзли машина чорраҳага кириб, нариги чорраҳадан келаяётган автотранспорт воситасига йўқлигига ишонч ҳолида ўтиб кетиши керак. Махсус маёқча қувиб ўтса бўлади, деган маънони билдирмайди, албатта. Айтиш лозимки, тез тиббий ёрдам автомобиллари ҳайдовчилари орасида ёшлар ҳам учраб туради. Шунини инобатга олиб, улар учун малака ошириш курслари ташкил этилса яхши бўларди. Ҳайдовчи машина бошқариш жараёнида хоҳ махсус, хоҳ бошқа машина бўлсин, биринчи навбатда, масофани сақлаши керак. Ана шундагина автоуловни тўхтатиши осон бўлади. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, бугунги кунда тезкор ва махсус транспорт воситалари ҳаракатланаётган вақтда, автоматлаштирилган чорраҳаларда ҳам уларга қондани бузган ҳолатда йўл берилса, бу қондабузарлик ҳисобланмайди. Бу мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти нақадар азиз эканлигининг яққол намунаси.

Урбанизация жараёнида тезлашгани сайин шаҳар кўчалари тобора тирбандлашиб бормоқда. Бу эса тез тиббий ёрдам машинасининг манзилга вақтида етиб боришига халақит беради. Гоҳида тез тиббий ёрдам автомобиллари йўл беришни ўзига эп кўрмаган юртдошларимизга кўзимиз тушади. Шифокорлар айнан шу ҳайдовчининг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг чақириғига биноан кетаётган бўлиши ҳам мумкин-ку. Наҳотки шу оддий ҳақиқатни тушунишмасам...

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, пандемия давригача шошилич тез тиббий ёрдам машиналарига йўл бериш ҳолатлари кам эди. Коронавирус инфекцияси сабаб одамлар инсон саломатлиги ҳар недан муҳим эканини чуқурроқ ҳис эта бошлади. Буни бугунги кунда йўлларда ҳаракатланаётган тез тиббий ёрдам машиналарига бўлаётган муносабатнинг кам бўлса-да, ижобий томонга ўзгарганидан ҳам билса бўлади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Postda» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.



Кўплаб хорижий давлатларда, хусусан, Россия ва Японияда тез тиббий ёрдам автомобиллари учун алоҳида йўлақлар ажратилган. Бу инсон ҳаёти қанчалар муҳим аҳамиятга эгаллигига ишора.


ришни талаб этади. Аҳолининг чақириғига вақтида етиб бориш ёки беморни шифохонага олиб боришда вақт жуда муҳим ўрин тутгани боис ҳайдовчи тезликни оширишга мажбур бўлади.

Кўплаб хорижий давлатларда, хусусан, Россия ва Японияда тез тиббий ёрдам автомобиллари учун алоҳида йўлақлар ажратилган. Бу инсон ҳаёти қанчалар муҳим аҳамиятга эгаллигига ишора. Бошқа ҳайдовчилар шу йўлдан юрса, жаримага тортила-



тез ёрдам машинасига йўл бериш маданиятини ошириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш лозимлиги аёнлашади.

Амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига кўра, махсус имтиёзли машина маёқчасини ёқиб, чорраҳага кираётган ёки чиқаятган ўз хавфсиз-



МАКМА

«ШТРАФ» ТЎЛАБ АСАБИНГИЗ БУЗИЛСА...

Яқинда бир отахон билан шифохонада навбат кутиш баҳона суҳбатдош бўлдик. У гап орасида шундай деди:

– Болам, телевизорда кенг ва раvon йўлларни кўриб, роса кўзим қувонарди. Кела-келгунча кузатдим. Пойтахт кўчаларида транспортлар кўплигидан ҳайратландим, тирбандликда ҳам қолиб кетдик. Кейин билсам, светофор бузилган экан. Яхшиямки, ИПХ инспектори келиб, дарров вазиятни ўнглади. Бўлмасам, шопирлар бир-бирига йўл берай, демайди-я, омон

бўлгурлар. Ҳар бир ишда маданият бўлгани дуруст, аслида, йўл ҳаракати қоидалари ҳам маданият дегани.

Ҳа, отахон бу вазиятга баҳо беришда ҳақ. Йўл ҳаракати қоидалари ҳам, аввало, инсоний муносабатларга асосланган маданиятнинг бир кўриниши эканлигини ҳар бир ҳаракат иштирокчиси унутмаслиги керак. Бу борада икки муҳим ақиданинг биринчиси, хавфсизлик бўлса, иккинчиси, қоидаларга қатъий риоя қилиш баробарида, ўзини ҳурмат қилган инсон бошқа бировга ҳам ҳурматсизлик қилмас-

лигидир. Аммо кўпинча бу икки жиҳатга бироз совуққонлик билан муносабатда бўлишнинг оқибати турли кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳам бор гап.

Бунда, албатта, ҳаракат иштирокчиларига тўғри баҳо берадиганлар йўл-патруль хизмати ходимидир. Аммо орамизда йўл қоида-қоидалари бузганини билса-да, турли баҳоналар билан ўзини оқлаб, «Штраф ёзди», дея ИПХ ходимидан нолиб, уларга жазоловчи сифатида қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, аксарият ҳолларда шу кайфиятнинг нотўғри қарашлар, фикрларнинг болалашига олиб келишида...

Яқинда бир танишим «Шошилаётгандим, шундоқ бозор ёнидаги йўл чеккасида мошинни қўйиб, ишларимни битириб қарасам, «запрещён»га тушиб ўтирибман-да. Катта йўл бирор арзирли қоидабузарлик бўлса ҳам, майли эди. Асабим бузилиб, уч кун ўтиб, штрафни тўлаб келдим», деб қолди.

Аввало, кексаларимиз таъкидлаганларидек, ҳам-

манинг йўли бехатар бўлсин! Қолаверса, жаримага келганда, «Запрещён» ҳам қоидабузарликка киради. «Ар-

зирли қоидабузарлик», деган фикрнинг ўзи хато. Яна бу вазиятда ИПХ ходими жарима расмийлаштириб тўғри қилган. Чунки бозор ҳудудида автомобиллар учун автотураргоҳлар мавжуд. Жаримадан асабийлашиш ўрнига, йўл ҳаракати қоидаларини бузмасликни ва бу ҳар недан азиз ҳаётимизнинг хавфсизлиги учун қанчалик тааллуқли эканлигини ўйлаб кўришимиз керак.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими хизмат вазифасида назоратчи йўлда ҳар бир фуқаро сингари иштирокчи. Улар йўл қоида-қоидалари бузилгандагина хизмат вазифасидан келиб чиқиб,

тегишли тартибда қонуний чора кўриш учун маъмурий баённома расмийлаштиради. Бундай ҳолатда уларга «Жарима ёзувчи» сифатида қараш ҳам нотўғри. Қолаверса, бу қоидалар ҳар биримизнинг хавфсизлигимизни таъминлаш, саломатлигимизни сақлаш, ҳаётимизни асраш учун-ку? Шундай ҳақиқатларни англасак бас.

Гулноза ТУРҒУНБОВА,
«Postda» мухбири.



Рассом Хусан СОДИҚОВ.

МУЛОҲАЗА

Футбол томоша қилаётган ишқибозларни кузатганмисиз? Хужум гол билан тугаса, яхши. Акси бўлса, дарров муҳокама бошланади: «Эх, ландовур-ей, ёнгинасидан ўтиб кетган тўпни ушлаб қололмади-я» ёки «Тепишни билмасанг, мана бизга бермайсанми, кўрсатиб кўярдики». Таниш ҳолат-а. Ўзича қўйиб-пишаётган ишқибозга «қани майдонга туш, бу ландовурларга ўйнаш қандай бўлишини кўрсатиб қўй» деб кўрингчи. Дарҳол орқага тисарилишни бошлайди. Чунки умрида оёғига тўп тегмаган-да...

Раҳбарларнинг иш тутумига қараб, айрим одамлар «Мен раҳбарнинг ўрнида бўлганимда, ундай қилардим, бундай йўл тутардим», дея оғиз кўпиртишни хуш кўришади. Агар адашиб-негиб бирор хатога йўл қўйса ёки маошни вақтида беришга бироз кечикса борми, ёзирувчининг наздида, раҳбар бирпасда энг ношуд одамга айланади. Чунки у раҳбарнинг ўрнида эмас-да. Унинг масъулиятини, ҳолатини, муаммосини ҳис қила олмайди.

Энди ижтимоий тармоқлардаги изоҳларга назар ташланг. Уларда ҳам шу аҳвол. Бирор бир раҳбар ёки ташкилотнинг бирор эзгу ташаббуси берилса, ёзирадиганлар кўпайиб кетади. Шундан ҳам камчилик топадиганлар чиқиб қолади. Эътирозли асосли бўлса-ку, майли, аммо кўпи асоси йўқ гаплардан иборат бўлади. Бунақалар одамларда фақат негатив фикр ўйғотади, ҳолос. Лекин қуруқ қошиқ оғиз йиртганидек, қуруқ гап ҳам ҳеч нимани ўзгартирмайди.

Баъзан ички ишлар ходимларининг айрим хатти-ҳаракатини оммага бўрттириб кўрсатиб, худдики ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринишларни кузатамиз. Вазиятни чуқур таҳлил қила олмай, гўёки барча ички ишлар органлари ходимлари устига мағзава ағдарадиган ҳовлиқмалар ҳам топилади. Ахир ички ишлар органлари ходимининг

ЧЕТДА ТУРМАНГ!

зиммасидаги вазифани, унинг машаққатини улар қаердан ҳам билсин?!

Четда туриб маслаҳат беришдан осони йўқ. Футболда ўйинчи ютқизиши мумкин, аммо четда туриб, лўқма ташлаган одам ҳеч нима ютқазмайди. Негаки, унинг бўйнида ҳеч қандай жавобгарлик йўқ-да. Бундай одамни ҳеч ким «Хўш, ишни битирдингми, муаммони ҳал қилдингми, қани ҳисоботинг?» деб сўроқ-қистовга олмайди. Ишлаётган одам эса унинг тамомила акси. Унда жавобгарлик туйғуси бор. Шу сабаб ҳар йўлга йўргалашдан олдин ўйлаб кўриб, кейин қарор қабул қилади.

Энг ёмони, биласизми, нима? Четда туриб ақллилик қилган кишилар пайт

пойлайди. Тарозининг қайси палласи оғир бўлса, ўша томонга секингина ўтиб олади. Гапнинг пайнови қай томонга оғаётганига қараб, ишда бирор камчилик чиқишини кўтиб туради. Дастлабки, натижага қараб фикрини ўзгартираверади. Иш ижобий яқунланса, «Айтмовимдир, яхши бўлади деб» дея ўзини ҳақ

кўрсатишга, салбий натижаланганда эса «Ғалимга кирганларингда, шундай бўлмасди. Ўзи юрагим сезувди. Сизларни огоҳлантиргандим» дея иддао ҳам қилиб қўяди. Бунақалар ошга тушган пашша бўлишдан, ўзини шундай кўрсатиб, раҳбарлар олдида «очко» ишлашдан тарт тартайди. Чунки уларда турум йўқ, қатъият йўқ. Халқ тилида уларни иккиюзламачи, деймиз.

Афсуски, ҳаётда бу каби «қахрамонлар» кўп. Ҳақиқий қахрамонлар эса панада юришади. Улар мақтанишни, ўз ишини ҳаммага кўз-кўз қилишни ўзига ор билади. Бу эса камтарликдан.

Қизириқ қўлидаги ерларни ўзлаштириб, катта боғ яратган бир фермер бор. Сувсиз, қақроқ ерда боғ қилишининг ўзи бўлмайди. Умрини ҳали-ҳамон гектарлаб ана шундай ерларни бўстонга айлантиришга бағишлаган. Ўзи билан суҳбат қилсангиз, жуда содда, камтар, бағрикенг одам. Бундай инсон билан суҳбатлашиб маза қиласиз. Чекка бир қишлоқда яшаса-да, дунёқараши тамомила бошқача. Ҳаётни, ундаги неъматларнинг қадрини яхши англайди.

Иш юзасидан бир ички ишлар ходими билан танишим. Оддий, камтар йигит. Олдида келган ҳар

бир одамнинг ўрнига, энг аввало, ўзини қўйиб кўради ва у ким бўлишидан қатъи назар, ҳурматини жойига қўяди. Ўзига берилган вазифани сидқидилдан, виждонан бажаради. Ишдаги ютуқлари кўп, яна хайрли ишлари ҳам анчагина. Бир куни у ҳақда очерк ёзмоқчи бўлиб бордим. Биласизми, у нима деди? «Мени мақола қилишингизга ёки телевидениега чиқаришингизга ҳоҳат йўқ. Одамларга ўзимни кўз-кўз қилишдан уялман. Кейин қилган ҳамма ишларимнинг савоби ҳавога учиб кетади». Бу сўзларни эшитиб, унга нисбатан ҳурматим янада ортди.

Бу одамлар четда юргани билан, кимгадир нафи тегяпти. Аммо, юқорида тилга олинган чеккада турган маслаҳатгўйлар эса бунинг акси. Тўғри, жамият учун фикрлар хилма-хиллиги, четдан туриб кузатадиганлар керак. Фақат ўйинчидан кўра кузатувчи, меҳнатчидан кўра маслаҳатчи, тайёрга айёр қуруқ танбехчи, қуруқ башоратчи, қуруқ ёзирувчи кўпайиб кетса, бундан бирор наф қилиши амримаҳол. Аксинча, ишнинг шашти сусяди, ҳафсаласизлик, иккиланиш пайдо бўлади. Бу эса ишончсизликка, ўзаро низолаarga олиб келади. Ўзаро ишонч бўлмаган жойда ўсиш, ривожланиш бўлмайди.

Айни вазиятда жамият ичида бўла туриб, четда турмасликнинг ўзи фойдалилик. Шундай экан четда турманг. Деворга битта гишт узатиб юборсангиз, ножоиз жойда ётган чўпни жоиз жойга олиб қўйсангиз, ҳатто, қўлингиздаги музқаймоқ ёки газли сув идишини кўчага эмас, чиқинди қутисига ташласангиз ҳам фойда! Бу фойдалар катталлашиб, жамият учун умумфойдали натижаларга олиб келади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.



ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:



Присяга на верность Родине

В торжественной церемонии участвовали командование Национальной гвардии, депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса, профессор, преподаватели, представители государственных и общественных организаций.

Начальник Военно-технического института Нацио-

нальной гвардии республики полковник Мирзаюсуп Рустамбаев подчеркнул в своей речи, что верность присяге – дело чести каждого преданного Отчизне человека, истинного патриота, что молодые люди, выбравшие эту ответственную и почетную профессию, должны овладеть глубокими знаниями и

стать квалифицированными специалистами, которые будут приносить пользу стране.

Затем курсанты первого курса приняли присягу на верность Родине и поклялись преданно служить в рядах Национальной гвардии Республики Узбекистан.

На мероприятии свои показательные выступления

представил почетный караул в составе курсантов института, выступил военный образцово-показательный оркестр.

– Принимая присягу на верность Родине, я волновался, – поделился курсант-первокурсник Фахриёр Бахтиёров. – Очень рады родители и родственники, они гордятся мной. Постараюсь прило-

жить все усилия для того, чтобы оправдать их доверие. С нетерпением жду начала занятий.

После торжественной части состоялся концерт с участием звезд узбекской эстрады, ансамбля художественной самодеятельности курсантов и курсантов-первокурсников ВТИ.

Международная
онлайн-конференция

В Военно-техническом институте Национальной гвардии состоялась международная научно-практическая онлайн-конференция на тему: «Передовые методы преподавания иностранных языков и их внедрение в систему подготовки кадров в сфере безопасности».

В конференции приняли участие представители Посольств США, Великобритании, Китая, России, Франции, филиала института Гёте в Узбекистане, Государственного университета мировых языков, профессорско-преподавательский состав ВТИ, а также представители более 35 вузов страны.

Обсуждались передовые методики преподавания иностранных языков в вузах зарубежных стран, вопросы внедрения в образовательную сферу современных интерактивных и инновационных методов обучения иностранным языкам, опыт развитых стран по использованию кибератак при работе с большими объемами информации на иностранных языках.

ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ

В регионах со сложной криминогенной обстановкой внедрена новая система раннего предупреждения правонарушений. Эффективную деятельность осуществляет в этом направлении рабочая группа из числа сотрудников Национальной гвардии, ОВД и Министерства по поддержке махалли и семьи.

В частности, на совещании ответственных руководителей соответствующих министерств и ведомств обсуждалось положение дел в области профилактики правонарушений в Республике



Каракалпакстан. Были рассмотрены результаты проделанной работы, намечены меры по устранению имеющихся недостатков, заслушан отчет по Элликкалинскому

району, определены задачи по дополнительному обучению должностных лиц по данному направлению деятельности и оказанию практической помощи району.

Следование установленным
правилам – гарантия здоровья

В Андижанской области сотрудники Службы охраны Национальной гвардии совместно с работниками санитарно-эпидемиологической службы осуществляют

профилактические меры по соблюдению предприятиями общественного питания установленных санитарно-эпидемиологических требований.



В беседе с руководством и персоналом учреждений общепита разъясняется необходимость неукоснительного соблюдения правил личной гигиены, использования медицинских масок, преимущественно одноразовой посуды, дезинфекции и своевременного проветривания помещений, регулярного применения антисептиков.

Руководители и персонал предприятий общепита, а также физические лица, предупреждаются о применении административных мер в случае невыполнения ими установленных требований.

Заработала новая спортивная секция

В городе Термезе организована спортивная секция по рукопашному бою для детей военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии, а также учеников школы № 9, закрепленной за Нацгвардией. Тренировки здесь будут проводиться по понедельникам, средам и пятницам.

В мероприятии приняли участие руководство Управления Национальной гвардии по Сурхандарьинской области, областного управления физической культуры и спорта, а также прославленные мастера спорта.

Было принято решение создать подобные секции в общеобразовательных школах Мирзаабадского, Алтынсайского и Узунского районов, также закрепленных за Национальной гвардией.



Материалы полосы подготовили лейтенант Нозима МАХМУДОВА и рядовая Нафосат ЗАФАРОВА.

К ДНЮ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ

Когда профессия – дело всей жизни

Врач-терапевт Центральной поликлиники МВД Республики Узбекистан Олима Ибрагимова – яркий представитель той категории врачей, которые никогда не останавливаются на достигнутом и стараются улучшить результативность работы.

Это замечательное качество, которым славятся высокопрофессиональные специалисты, в значительной мере помогло ей в тонкостях освоить медицинскую науку. Олима Эргашевна целенаправленно и устремленно готовила себя к врачебной стезе, и первым шагом в этом направлении стало поступление в 1990 году в Первый ташкентский государственный медицинский институт, на лечебный факультет (ныне Ташкентская медицинская академия). После этого она прошла интернатуру на базе 15-й горбольницы (сегодня Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр кардиологии), потом набиралась необходимого опыта в других медучреждениях

и в 2004 году поступила на работу в Центральную поликлинику МВД Республики Узбекистан.

Среди пациентов Олимы Эргашевны – не только сотрудники органов внутренних дел, которым по специфике деятельности просто необходимо иметь крепкое здоровье, но и члены их семей и ветераны ОВД. У каждого свой характер, мировоззрение, но врачебный и человеческий подходы должны быть индивидуальными. Этого можно добиться, лишь имея большой профессиональный и жизненный опыт.

Принимая посетителей, Олима Ибрагимова неизменно вежлива, тактична, остро душевна. Переступив порог ее кабинета, пациенты уже начинают излечиваться, потому как слово врача по-

могает не хуже, а иной раз и лучше любого лекарства. Но, повторюсь, это приходит спустя годы упорного каждодневного труда и поисков. В нынешние времена, когда мир охвачен коронавирусной инфекцией, работа врачей, особенно инфекционистов, по интенсивности повышена в несколько раз, но при этом и терапевты буквально стоят первым заслоном на пути распространения этого опасного и коварного заболевания, ведь при любом недомогании граждане обращаются именно к ним.

– Да, все мы объединились для того, чтобы успешно противостоять коронавирусной инфекции, – говорит Олима Эргашевна. – Есть уверенность в том, что всем нам сообща и в тесном сотрудничестве удастся победить это



заболевание. Главное – не отступать, а, наоборот, усилить совместную работу, и тогда все у нас получится!

В преддверии профессионального праздника – Дня медицинского работника хочется от всей души пожелать

героине нашего рассказа крепкого здоровья, семейного благополучия и успехов на профессиональном поприще во благо Отчизны и народа!

Соб. корр.

На снимке: Олима Ибрагимова (слева).

На страже здоровья

Выпускник Андижанского государственного медицинского института, герой нашего повествования – врач-психиатр поликлиники Медицинского отдела УВД Андижанской области Икромжон Гуламович Шакиров многие годы посвятил охране здоровья людей.


Работал врачом в Андижанском областном психоневрологическом диспансере, заместителем главврача Центральной больницы Алтынкульского района. С 2009 года он – психиатр поликлиники Медицинского отдела УВД Андижанской области.

С детства Икромжон отличался добротой, состраданием и милосердием. Всегда старался всем помочь. Когда встал вопрос о выборе профессии, Икромжон твердо заявил родителям, всю жизнь проработавшим педагогами: «Буду врачом!».

И супругу нашел под стать себе – Дилбархон тоже медик – врач-гинеколог. Они знакомы со студенческой скамьи, вместе оканчивали медицинский институт.

Шакировы вырастили троих детей. Все уже взрослые, имеют свои семьи. По стопам отца пошел младший сын, Умиджон, он работает врачом-психиатром в областном психоневрологическом диспансере.

– Сотрудники органов внутренних дел при выполнении служебных обязанностей подвергаются стрессам, попадают в непредсказуемые ситуации. Наша задача – помочь им выйти из критического состояния, – поясняет И. Шакиров.



Икромжон Гуламович в свободное от работы время по личной инициативе проводит в школах города Андижана «уроки доброты», во время которых учащимся прививаются нравственные ценности, умение отличать плохое от хорошего. Кроме того, он ведет индивидуальный прием сотрудников, у которых возникают семейные проблемы, помогает разобраться, в чем причина дисгармонии.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».

На снимке: врач-психиатр поликлиники Медотдела УВД Андижанской области И. Шакиров.

Фото автора.
Андижанская область.

Шифокорлик соҳа ходимларидан катта масъулият, изланиш, тажриба ва маҳоратини ошириб боришни тақозо этади. Бундай масъулиятни қалбан ҳис қилган Жавоҳир Азимов ҳам Самарқанд давлат тиббиёт институтида олган назарий билимларини Ғиждувон тумани марказий шифохонасида бошлаган фаолияти давомида амалиётда қўллаб, ўз маҳоратини ошириб борди.

ЭЪТИРОФГА САЗОВОР ШИФОКОР

Сўнгра Бухоро шаҳар поликлиникасида бир муддат ишлагач, шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг кардиология бўлимида фаолиятини давом эттирди. 2002 йилдан бошлаб вилоят ИИБ тиббиёт бўлимига қарашли госпиталнинг терапия бўлинмаси бошлиғи лавозимида ишлаш жараёнида йиллар мобайнида тўплаган тажрибаси қўл келди. Айниқса, ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлар саломатлигини тиклашда устозлари тажрибасидан самарали фойдаланди. Шу боис ҳам уларнинг номини доимо тилдан қўймайди.

– Устозларим – Бахтиёр Насриддинов ҳамда истеъфодаги подполковник Темур Сафаров каби тажрибали шифокорлардан касб сирларини ўрганганман, – дейди Жавоҳир Азимов. – Улардан ўрганганларимни бутун ўз шогирдларимга ўргатиб, соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Умрини одамлар соғлигини асрашга баҳшида қилган лавҳамиз қаҳрамони кейинчалик госпиталь бошлиғи сифатида анча йиллар фаолият кўрсатиб, майор унвонида пенсияга чиқди. Бирок юрт тинчлиги ва халқимиз хавфсизлиги йўлида фидокорона хизмат қилишни олий мақсадига айлантирган ички ишлар органлари ходимлари соғлигини сақлашдек зғу ишга эш бўлган Ж. Азимов ҳозирги кунда ҳам вилоят ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси



функционал диагностика хонаси шифокори вазифасида ишлаб келяпти.

Тажрибали шифокор вилоят ИИБ тиббиёт бўлимида ўтган умридан жуда мамнун. Угли Севинчбек Бухоро давлат университетининг иккинчи босқич талабаси. Турмуш ўртоғи Холжон опа уй бекаси бўлса-да, фарзандларини вояга етказиш, одамлар қорига ярайдиган касбларда ўқитишда Жавоҳир акага елкадош бўлмоқда.

Мирзокул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

Муаллиф олган сурат.



BOLAJON



Bolalikda beg'uborlik bor

Komronbek RAVSHAN-BEKOV – Toshkent viloyati IIBB YHXB Axborot xizmati boshlig'i, katta leytenant Rustam Asqarovning farzandi:

– Bog'chamiz yonida katta yo'l bor, u yerdan o'tayotganda, dadamning qo'llarini mahkam ushlab olaman. Svetofor, yo'ldan o'tish qoidalarini menga dadam o'rgatgan. Dadam ichki ishlarda ishlaydi. Svetofor ishlamay qolsa, darhol haydovchilarga yordamga shoshadi. Hushtagini chalib, tartibbuzarlikning oldini oladi.



Dadam ishdan kelganda, uning hushtagini, chiroqli mayoqchasini olaman-da, o'yinchoq mashinalarimni terib qo'yib, xuddi u kabi yo'l harakatini tartibga solmoqchi bo'laman. Lekin mening mashinalarim so'zimga bo'ysunmay, bir joyda qoti-ib turaveradi...



Muhammadamin JAHONGIROV – IIV huzuridagi Tergov departamenti katta tergovchisi, kapitan Jasur Shonazarovning farzandi:

– Mening dadam – tergovchi. U jinoyatchilarni nima uchun jinoyat qilganini so'rab-surishtiradi. Ko'pincha ishdan juda kech qaytadi, men uxlab qolgan bo'laman. Ammo buvam va buvim, onam har doim uxlamay kutib o'tirishadi.

Onam dadamning kasbi og'ir ekanini ko'p gapiradi. Ichki ishlarda ishlash uchun jasur, mard, qo'rqmas bo'lish kerak ekan. Dadamga havasim keladi. Kelajakda men ham ichki ishlar xodimi bo'laman.

TABIATNI ASRANG

Kuz faslida ko'chalar, bog' va xiyobonlar xazonga to'ladi. Ularni yig'ib yoqishga shoshilmaslik kerak. Chunki buning foydasidan zarari ko'proq. Barglar yoz bo'yi o'zlariga chang va avtomobillardan chiqqan gazlarni yig'ib, havoni tozalab, tabiiy filtr vazifasini bajaradi. Siz esa buni yoqmoqchimisiz? Axir, yoqilgan xazonlardan ko'tarilgan tutun ushbu zaharli moddalarni yana havoga chiqaradi-ku. Kuz shamoli esa ularni shahar bo'ylab tarqatadi va salomatligimizga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Sarvinoz FAYZIYEVA.



XAZONNI NIMA QILISH KERAK?


Mening buvam xazonlarni yig'ib, shamol uchirib ketmasligi uchun ustiga tuproq tortib qo'yadi. Yoki tomorqamizdan chekkaroq bir yerni kavlab, o'ra qazib, xazonlarni o'sha joyga ko'madi. Buvamning aytishicha, xazonlar yer tagida chiriydi va ulardan bahor faslida ekinlar uchun o'g'it sifatida foydalansa bo'ladi.

Nilufar NORMUHAMADOVA.




O'YLAB KO'R

Soat raqamlarini ikkita to'g'ri chiziq bilan uch qismga ajrating. Har bir ajratilgan qismni bir-biriga qo'shganda, uchalasining soni bir xil chiqsin.



MATEMATIKA FANIDAN AQL CHARXI



Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

Ichki ishlar organlari xodimi sizning tasavvuringizda qanday? Fikrlaringizni rasmlarda ifoda eting va bizga jo'nating.



ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Хурматли ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийлари!

Тошкент шаҳар ИИББда «Шон-шараф» музейи ташкил этилаётгани муносабати билан Сизлардан ушбу музей фондиди бойитиш мақсадида пойтахт ички ишлар органлари тарихига оид ашёлар (шахсий буюмлар, ордон ва медаллар, кўкрак нишонлари, фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари ва бошқалар), тарихий аҳамиятга эга фотосуратлар ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этишингизни сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар:

(71) 281-92-95, (97) 711-20-51, (99) 839-86-94.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси

КУЗАТУВ

ФАХРИЙЛАР САФИГА ИЗЗАТ-ИКРОМ БИЛАН

Ички ишлар органларида кўп йиллар намунали хизмат қилиб ҳурмат-иззат билан пенсияга чиқиш катта бахт. Зеро, юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилган, касбига содик, она Ватанга муҳаббати чексиз инсонларга ҳар қанча эҳтиром кўрсатилса арзийди.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Молия ва моддий техника таъминоти бошқармасида ўтказилган маросимда йигирма олти йиллик хизмат фаолияти давомида молия-таъминот хизматида турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган подполковник Асад Юсупходжаев фахрийлар сафига иззат-икром билан кузатилди.

Тадбирни олиб борган Тошкент шаҳар ИИББ Молия ва моддий техника таъминоти бошқармаси

бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Хусниддин Шамсиддинов А. Юсупходжаевнинг ибратли хизмат фаолиятига тўхталиб ўтди.

– Асад аканинг бой тажрибаси, маслаҳат ва ўғитларига амал қилиш яқинда хизматни бошлаган ёшларимиз учун сабоқ бўлиши керак деб ҳисоблайман, – деди у. – Сабаби, устоз Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг молия, назорат ва тафтиш йўналишини ўттиз йил олдин тугатиб, 1994 йил ноябрдан Тошкент

шаҳар ИИББ молия-иқтисод бошқармаси катта иқтисодчиси лавозимидан хизматни бошлаб, кўп йиллар давомида вазирилик Молия-иқтисод бошқармаси ва ЖИЭББ тизимларида назорат ва тафтиш йўналишида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Шу давр мобайнида ўнлаб шогирдлар етиштириб, ҳаммамизга устозлик қилиб келди.

Тадбир якунида А.Юсупходжаев ёш ходимларга тавсиялар бериб, кўрсатилган эҳтиром учун раҳбариятга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўз ўрнида фахрийлар сафига янги қўшилган А.Юсупходжаевга бош бошқарма раҳбарияти номидан тўн кийдирилиб, эсдалик совгалари берилди.

АБУ КЕНЖАЕВ,
«Postda» фотомухбири.



ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ



Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, давлат дастурлари ва қонунларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда маҳалла осойишталигини таъминлашда профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам беришдан иборат. Гурлан туманидаги маҳаллалардан бирида фуқаролар йиғини

раиси лавозимида ишловчи Т.Илҳомбой (исм-шарифлар ўзгартирилди) бундан яхши хабардор. Йиғилишларда юқорида таъкидланган вазифаларни кўп бор тилга олади ва фуқароларни меҳнатсевар, фидойи ва ҳалол инсон бўлишга чақиради. Аслида, оқсоқолнинг ўзи ана шу фазилатларга

эгами?

Маҳаллада истиқомат қилувчи К. Собиржон икки ёшга тўлмаган фарзандига нафақа тайинлашда ёрдам беришини сўраб оқсоқолга мурожаат қилди.

– Ўзбек миллати серфарзанд, – деди оқсоқол кўлидаги ҳужжатларни кўздан кечираркан салмоқли оҳангда. – Уларнинг ҳар бирига нафақа бера-

диган бўлсак, давлат хазинасида пул қоладими?

– Қўни-қўшнлар олишяпти-ку, – деди Собиржон ялинганча. – Бизга ҳам ёрдам беринг?

– Қандай ёрдам бераман?! Бирор йўлини билсанг айт!

Собиржон билмасам, дегандек елка қисди.

«Қуруқ бўлмайди. Сўраганингизни бераман», деган сўзларни эшитишни истаган оқсоқол бир неча дақиқа Собиржонга қулоқ тутди. Аммо ундан садо чиқмади.

– Майли, бир ҳаракат қилиб кўраман, – деди ниҳоят Собиржонни зимдан кузатаркан. – Лекин бу иш «юқори»дан битади. Шунинг учун ҳаракатингни қил!

– Нима қилишим керак? – ҳайрон бўлганича сўради Собиржон.

– Қандай содда боласан, ўзи... Нафақа олмоқчи бўлсанг, 400 минг сўм берасан.

– Майли, лекин менда бунча пул йўқ.

– Бермасанг, нафақа ҳам ололмайсан! – дўк урди оқсоқол.

Қийин аҳволда қолган Собиржон ички ишлар органига мурожаат қилди. Ўтказилган тезкор тадбир давомида нафси ўпқонга айланган маҳалла фуқаролар йиғини раиси талаб қилган пулнинг бир қисмини, яъни 350 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган пайтида қўлга олди.

Халқнинг дардини тинглаш, оғирини енгил қилиш ўрнига қинғир ишга қўл урган оқсоқол энди қилмишига яраша жавоб бериши тайин.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.

НАФАҚА УЧУН ПОРА

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН ОҒУФУРУШ

Гиёҳвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган, оилаларни пароканда қилаётган жирканч иллатлардан бири. Бежизга у «аср вабоси» деб таърифланмаган.

Мутахассисларнинг фикрича, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш инсон тафаккурини ўтмаслаштиради, иммунитет ва хотирани сусайтиради, мия, юрак, сил хасталикларини юзага келтиради, шарму ҳаёни кетказди, инсоний муносабатларга зарар етказди. Бундан ташқари, бу зарарли иллат инсонни ўта ялқов, оилага бепарво, ҳамиятсиз, жинсий заиф қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, қалбни сўқир қилади.

Аммо, минг афсуслар бўлсинки, орамизда, сизу бизнинг атрофимизда ҳам ана шу иллат таъсирига тушиб қолаётган, гулдек умрини хазон қилаётган ёшлар учраб турибди.

Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи 1989 йилда туғилган Мурод Сафаров (исм-шари-

фи ўзгартирилган) ҳам ана шундай адашган шахслардан бири. Кўп йиллардан бери пинҳона равишда гиёҳвандлик моддалар истеъмол қилиб келаётган бу йигит бора-бора «захри қотил» домига илиниб, жиноят кўчасига кириб қолди. Оила ва рўзгор ишларини ҳам бир четга суриб қўйди. На онасини ўйлади, на оиласини...

Оғу истеъмоли сабаб ҳаёт йўлларида адашган йигит 2010 йил 18 августда жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми билан айбли деб топилди, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилингани.

Жазони ўтаб чиққан бўлса-да, у тавбасига таянмади. 2020 йил январь ойида гиёҳвандлик модда савдоси билан шуғуллангани учун қўлга тушиб, яна жазоланди. Суд



томонидан 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазо тайинланди.

Қинғир йўлдан юриб, боши бир неча бор деворга теккан бўлса-да, Муроднинг кўзи очилмаган экан. Суд томонидан озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган кундан бир неча кун ўтиб-ўтмай, уйини тарк этди ва Фаргона шахрига йўл олди.

Фаргона шаҳар Ўрта Қирғули кўчасида бемақсад юрган йигитнинг хатти-ҳаракати ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларида шубҳа уйғотди. Фаргона вилояти ИИБ Транс-

портда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини сўрайди. Мурод эса ҳужжатини тақдим қилолмади. Натижада ходимлар унинг шахсига аниқлик киритиш мақсадида бошқарманинг Марғилон шаҳар бўлимасига олиб келиб, ҳолилар иштирокида кўздан кечиради.

Кўздан кечириш жараёнида унинг чўнтақларида целлофан пакет парчасига ўралган, ўткир хидли, кўнғир тусли моддалар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирил-

ди. Фаргона вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимнинг хулосасига кўра, унинг чўнтагидан топилган модда гашиш гиёҳвандлик воситаси экан. Унинг соф оғирлиги 8,5 граммни ташкил этиши маълум бўлди.

Нафс домига илинган, фақат ўз кайфу сафосини ўйлайдиган Мурод учинчи бор суднинг қора курсисига чиқди. Суд мажлисида уни оқ ювиб оқ тараган онаизори «Боламга тарбия беришда қаерда хато қилдим экан?» дея юм-юм йиғлади. Турмуш ўртоғининг кўзларидан эса алам ва изтироб ёшлари оқди.

Аммо Муроднинг юраги ачишдимикан? Ўз яқинларини эл-юрт олдида шарманда қилганидан, бошларини эгиб қўйганидан озгина бўлса-да уялдимикан?

Агар уялган бўлса, ҳайтовур, бу йўлдан қайтар...

Музаффар САЛИМОВ,
майор,
Абдусот СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фаргона вилояти.

ЗДОРОВЬЕ


Тыква — солнечная спутница осени



Тыква — один из самых характерных символов осеннего сезона, вкусное и универсальное угощение. Ее сливочно-апельсиновая мякоть имеет сладкий вкус. А еще она полезна для здоровья.

Витамин А — для зрения, физического и психического здоровья.

Ярко-оранжевый, морковный цвет тыквы обусловлен наличием в ней бета-каротина — антиоксиданта, который в нашем организме превращается в витамин А. Одна порция тыквы содержит более 200 % рекомендуемого ежедневного количества этого витамина, что делает ее отличным вариантом для людей, не употребляющих морковь, но желающих укрепить свое зрение. Тыква способна снижать риск возникновения рака, защищает от сердечных заболеваний, предотвращает возрастные расстройства психики, снимает стресс, дарует спокойствие, обостряет интеллект.



Витамин С — для иммунитета.

Мякоть и семена тыквы насыщены витамином С. В сочетании с высоким содержанием бета-каротина, это делает тыкву натуральным природным антибиотиком и дает иммунной системе необходимый импульс.

Клетчатка — для здоровья пищеварительной системы.

Слабые места в толстом кишечнике часто проявляют себя в виде запоров. Клетчатка, содержащаяся в тыкве, поддерживает здоровье пищеварительной системы, выводит токсины и помогает очищению организма. Кроме того, тыква является отличным вариантом для тех, кто придерживается диетического питания. В одной ее порции содержится 12 граммов углеводов, по 2 грамма клетчатки и белка, а также всего 49 калорий.

Фолиевая кислота и медь — для здоровья кожи.

Тыква содержит фолиевую кислоту, необходимую для образования новых клеток, а также медь, важную для производства коллагена. В ней содержатся ценные питательные вещества, которые помогают бороться с морщинами и сухостью кожи.

Фитостерины — для сердца.

Фитостерины — природные химические компоненты, которые помогают снизить уровень «плохого» холестерина, отрицательно действующего на сердце. Особенно много их содержится в семенах тыквы.

Калий — для нормализации давления.

Еще одно преимущество — большое количество калия, который способствует снижению артериального давления и предотвращает риск возникновения инсульта.

Не только мякоть тыквы волшебная. Удивительны и ее семена. Содержащийся в них цинк поддерживает функцию мочевого пузыря, улучшает сон, укрепляет кости и снимает воспаление в суставах. Поэтому не стоит выбрасывать тыквенные семечки. Просто промойте их, обсушите и обжарьте с любимыми специями, такими как тмин, куркума, мускатный орех, корица.

А еще можно добавить жареные ломтики тыквы в салаты, смешивать ее мякоть в коктейлях, есть с овсяной кашей и просто сочетать с любимыми блюдами...

Почему мерзнут ноги и как с этим бороться

«Ледяные» конечности часто являются следствием:

— **низкого гемоглобина.** Речь идет об анемии — недостатке красных кровяных телец, разносящих кислород и питательные вещества по телу. Первый признак падения уровня гемоглобина — холодные ноги;

— **недостатка полезных веществ.** В результате нехватки витаминов и минералов кровь не может полноценно циркулировать по организму, и если вы сидите на диете, это серьезный повод бросить ее и перейти на нормальное питание;

— **проблем с сердечно-сосудистой системой или щитовидной железой;**

— **хронического стресса.**

Ноги могут мерзнуть у людей, которые когда-то перенесли обморожение конечностей. Последствия сильного переохлаждения сохраняются на всю жизнь.

Если вы метеозависимы, то тоже можете подвергаться синдрому холодных ног.

Как избавиться?

В первую очередь, обратиться к врачу, который поможет диагностировать проблему и прописать лечение.



А самостоятельно можно сделать следующее:

1. Бросить курить, если вы заядлый курильщик, так как никотин плохо влияет на сосуды и работу сердца, что приводит к нарушению кровообращения.

2. Всегда одеваться по погоде. Не жертвовать здоровьем в угоду моде, которая часто не имеет ничего общего со здравым смыслом.

3. Заниматься спортом — это лучшая профилактика болезней, застойных явлений в конечностях.

4. Вечером делать ножные ванны и принимать контрастный душ. Это поможет сохранить здоровье сосудов.

5. Делать массаж ступней и нижних конечностей, использовать массажные кремы, стимулирующие кровообращение.

6. Повысить иммунные силы организма — есть больше овощей и фруктов, принимать поливитаминовые комплексы.

7. Включить в рацион продукты, «разгоняющие» кровь — чеснок, имбирь, перец. Конечно, для этого не должно быть противопоказаний.

8. Следить за эмоциональным состоянием. Стрессы плохо влияют на сердечно-сосудистую систему, что приводит к нарушениям в ее работе и в результате — «ледяным» нижним конечностям.

ПОЛЬЗА ВОДЫ С ЛИМОНОМ



Омолаживает кожу и исцеляет тело

Антиоксиданты в витамине С борются с уроном, наносимым свободными радикалами, тем самым сохраняя кожу свежей. Он также помогает организму вырабатывать коллаген, который делает кожу упругой и разглаживает морщины.

Помогает сбросить лишние килограммы

Регулярное потребление воды с лимоном поможет избавиться от лишних килограммов. Это потому, что лимоны содержат пектин, тип волокна, содержащийся практически во всех фруктах. Пектин продлевает чувство сытости.

Улучшает настроение

Вместо утренней чашечки кофе выпейте стакан воды с лимоном, что взбодрит и зарядит вас больше, чем обычный кофеин. Когда отрицательно заряженные ионы которые есть в лимонах, попадают в пищеварительный тракт, уровень энергии повышается естественным образом.

Способствует пищеварению и очищению организма

Поскольку молекулярная структура лимонного сока похожа на желудочный сок, он способствует выработке печени желчи, которая помогает продвижению пищи по пищеварительному тракту. К тому же вода с лимоном облегчает диспепсию и помогает при расстройстве желудка.

Увеличивает количество витамина С

Так как организм человека не способен вырабатывать витамин С, очень важно получать его с пищей и напитками, такими как вода с лимоном. Витамин С стимулирует выработку белых кровяных клеток, необходимых для нормальной работы иммунной системы, он также защищает клетки от окисления.

С ПРОФЕССИОНАЛЬНЫМ ПРАЗДНИКОМ!

Главный центр санитарно-эпидемиологического надзора Медицинского управления МВД Республики Узбекистан проходит в этом году серьезные испытания. Коллектив медучреждения круглосуточно ведет борьбу с пандемией коронавируса.

На снимке: врач-лаборант Феруза Мирвалиева и лаборант-специалист Дильфуза Арзикулова.

Абу КЕНЖАЕВ,
фотокорреспондент.



Аниса ШАРОФОВА,
ученица 8-го класса
школы № 175
Мирабадского
района.



*Врач – важнейший человек на свете –
Вылечит, подарит людям жизнь.
Благодаря врачам, растут здоровыми дети,
Благодаря врачам, на земле кипит жизнь.*

*В этой жестокой битве с коронавирусом
Отважнее людей нам не найти.
Их труд для нас всегда бесценен,
А храбрости их просто нет границ.*

*Сколько бы мы врачей ни благодарили,
Все мало будет, будет не хватать!
Благодарит их каждый человек на свете,
И я спасибо им хочу сказать!*

*Спасибо за то, что лечат больных,
Что людям дарят надежду.
Спасибо, что спасают наш мир
Спасибо, и поклон им низкий!*



СЛУЖИТЬ ВО ИМЯ
ИНТЕРЕСОВ НАРОДА

Инспектор профилактики
ОВД № 2 УВД города Чирчика
старший лейтенант Умид
ИКРАМОВ:

– Основная точка опоры государства – закон, а самая эффективная система, способная показать его силу на практике, – это сфера внутренних дел.

В праздничном поздравлении по случаю 25 октября – Дня сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан Президент нашей страны отметил, что «в результате реформ органы внутренних дел становятся поистине народной и открытой структурой, мобильной и компактной, оснащенной современными технологиями, способной на достойном



уровне контролировать криминальную обстановку». Это подчеркивает высокую оценку главы государства труда всех сотрудников сферы.

Президент особо акцентировал внимание на том, что наиболее действенный метод в борьбе с преступностью – профилактика, предупреждение

правонарушений. Данные слова обязывают нас, инспекторов профилактики, служить с еще большей самоотдачей во имя обеспечения общественного порядка, мира и спокойствия народа, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан. Ведь это – главный фактор благополучия страны.

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 9 по 15 ноября)



Овен. Старые друзья окажут вам неоценимую помощь. На работе откроются новые перспективы, но вы отнесетесь к ним легкомысленно. С конца недели начнется благоприятный период.



Телец. Какая-то негативная информация выбьет вас из колеи и может подорвать ваш боевой дух. В это время вы будете сильнее, чем когда-либо, склонны к мнительности и тревожности. Постарайтесь не поддаваться унынию и не сомневаться в собственных силах.



Близнецы. Придется побороться за свои честно заработанные деньги. Вероятно, даже может возникнуть конфликт интересов с кем-то из коллег или конкурентов. Но неожиданно для себя вам удастся взять верх, несмотря на общую неуверенность в себе и упадок сил.



Рак. Поездки и командировки сейчас не очень желательны, однако, если вы нуждены поехать в рамках важной работы, ничего не опасайтесь – все окажется не так плохо, как вы думаете, и, более того, в итоге поездка может принести удачу.



Лев. Домашние Львы уже давно привыкли к тому, что они всегда и во всем верховодят. Поэтому если вдруг в это время вас увлечет идея глобального ремонта, перестановки или приобретения новой мебели, никто не выскажется против.



Дева. Положение звезд на этой неделе смягчит вашу гордыню. В деловой сфере вы займете лидирующие позиции. Свои творческие порывы направьте в нужное русло.



Весы. Благодаря аспектам планет у вас появится масса сил и энергии, которыми вы будете с радостью делиться с окружающими. Важный момент: ваш энтузиазм будет настолько высок, что отпугнет все болезни и недомогания.



Скорпион. Любые выяснения отношений с деловыми партнерами не заставят вас пойти на попятную. Наоборот, вы будете так убедительны, что буквально вынудите всех принять вашу точку зрения. Bravo, вы мастер ораторского искусства!



Стрелец. В данный период вас всеерьез напугает перспектива банкротства. Возможно, до вас добрался кто-то из активных банковских служащих. Не волнуйтесь, задолженность удастся погасить, и вы с облегчением продолжите заниматься привычными делами.



Козерог. Звезды сделают вас в этот период еще более разговорчивым и общительным человеком. Используйте это во благо – как можно чаще встречайтесь со старыми друзьями в теплой атмосфере.



Водолей. Благодаря положению планет вы ощутите, что все в этом мире вам по силам. Крупные траты подтолкнут к поиску возможности увеличить доход. Единственный совет: четко следуйте составленному плану.



Рыбы. Вполне возможно, что вас одолеет приступ внезапной грусти, причиной которой станет разочарование в окружающих. И вот парадокс – именно люди помогут выкарабкаться. Правда, этими людьми уже окажутся близкие друзья и любимые родственники.

БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

«ЖОНГА ЖОН ШИФОКОРЛАР»

Шундай кўшиқлар бўладики, улар нафақат йилларни, ҳатто асрларни ҳам қаритади. Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг бир эмас, бир неча авлодни улгайтирган «Алла»си, Санобар Раҳмонованинг эллик йилдан буюн эл оғзидан тушмаётган «Устозлар» кўшиғи фикримизнинг яққол далилидир. Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ижросида жанрангланган «Шифокорлар» кўшиғи ҳам аллақачон халқимизнинг кўнгил мулкига айланган ижод намуналаридан биридир.

Эсимда, хонанданинг ўзига хос овозда янграган «Шифокорлар» кўшиғи бошланғич биланок, бобом телевизор овозини баландлаштириб, экран қаршисига чордона қуриб ўтириб оларди. Биз болалар ҳам уларнинг ёнига тизилишиб, саломатлик ҳақидаги кўрсатувни томоша қилардик. Кўрсатув якунида бизга ёд бўлиб кетган «Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар» мисралари яна тақороланарди. Баъзан бобом ён дафтарига турли тавсияларни қоралаб, сал тоби қочиб қолса, шифохонага шошилмай, албатта, уй шароитида уларни амалда қўллаб кўрарди. Самараси сезилиб, сал ўзига келиши билан, «Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар» мисраларини хиргойи қилиб юрарди...

Бугун ҳам шифокорларнинг ширин сўзи, билими, тажрибаси билан дарди ариб, соғлом ҳаётга қайтган инсон борки, бу кўшиқни бефарқ тингламайди. Аксинча, майин оҳангларга жо бўлган фидойилик, жонқуярлик, машаққатни улугловчи самимий изҳорга жўр бўлади. Мана эллик йилдирки, ушбу кўшиқ макон ва замон таңламай, ҳамон каттаю кичикнинг дилдан тилига кучган тароналардан бири сифатида янграшининг сирини ҳам шундадир балки.

Самимият сингган сатрлар

Устоз шоир Пўлат Мўмин «Бағишловлар-олқишловлар» китобида баъзи кўшиқ бўлган шеърларининг яралиш тарихи ҳақида тўхталиб, шундай ёзган: «Эллигинчи йилларнинг охирида шифохонада даволанардим. Ушунда ТошМИнинг профессорларидан Мунира Эшонхўжаева, шунингдек, Абдулла Ҳошимовлар ҳам дам олишарди. Улар менга:

*Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар,
Мақсади саломатлик, меҳрибон шифокорлар.*

*Инсоннинг ҳаётига чанг солса агар бир хавф,
Илмини қурол қилган посбон шифокорлар.*

*Чин дилдан юракларга бергайсиз даво-малҳам.
Меҳрингиз кўёш гўё, жонажон шифокорлар.*

*Бу чаманда – юртимда одамлар очилган гул,
Гулларга қараб юрган сиз боғбон шифокорлар...*

*Илмингиз кўёшидан қалбларга югургай нур,
Халқ учун бўлинг сиз ҳам соғ-омон, шифокорлар.*

Пўлат МўМИН шеъри.



– Барча касбдагиларни кўшиқ қилгансиз, шифокорлар ҳақида ёзмайсиз, – деб таъна қилишди. Улар ҳақли эди. Мунира оламнинг гапидан илҳомланиб, «Мен сиздан даво топдим» деб ғазал ёзди. Улар ўз фикрларини айтишди, тузатдим, кейин устоз Имомжон Икромов куй басталаб, хонандаларга ўргатдилар.

Бу ғазалга кейинчалик Комилжон Жабборов ҳам куй басталаб, Коммуна Исмоиловага ўргатди.

50-йиллар ниҳоясида бастакор Комилжон Жабборов билан шоир Пўлат Мўминнинг ҳамкорлиги ҳар икки ижодкор учун ҳам аҳамиятли воқеа бўлган. Комилжон Жабборов Пўлат Мўминда ижод машаққатларига тайёр, сабртоқатли, нозик таъб ва энг муҳими, камтарин ижодкорни кўрган. Икки ижодкорнинг ҳамкорлигида турли жанр ва мавзуларда ундан зиёд кўшиқлар яралган.

«Шифокорлар» кўшиғи ҳам ана шундай дўстона ижодий фаолият маҳсуллари билан бири сифатида тилга олиш мумкин.

Диллардан тилларга кўчган тарона

XX асрнинг порлоқ юлдузи, ажойиб хонанда Коммуна Исмоилова эгнидаги либоси каби қалби покиза шифокорларнинг фидокорона меҳнати улугланган ушбу кўшиқни ўзининг жанрангдор ва ширали овози билан катта сахналарда баралла куйлади. Айнққса, кўшиқнинг «Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар» нақорати нафақат кўшиқ оҳангларига, балки халқимизнинг дилдига сингиб кетди.

«Шифокорлар» кўшиғи турли тадбирларда Коммуна Исмоилованинг «ташриф қоғози»га айланиб, унга обрў, эътибор келтирган тароналардан бири

Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Коммуна (Уллибиби) Исмоилова 1927 йилда Хивада таваллуд топган. У Урганч педагогика инсититутининг ҳаваскорлар тўғарагида Хоразм термаларини ижро этиб элга танилган.

Санъаткор ижросидаги «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидаги «Ўғлима ўхшайди овозинг сани...» кўшиғи, «Шошмақом»дек бебаҳо дурдонанинг ўзига хос талқини, шунингдек, «Ёшлик чоғимда», «Шифокорлар» каби машҳур кўшиқлари ва рус, украин, туркман, қозоқ сингари турли халқлар кўшиқлари мухлислар қалбидан чуқур жой олган.

Санъат сирларини Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Гавҳар Раҳимова каби устозларидан ўрганган Коммуна Исмоилова Азим Муллахонов, Зулайҳо Бойхонова, Тожибар Азизова, Мавлуда Асалхўжаева, Муножот Тешабоева каби таниқли санъаткорларга устозлик қилган.

бўлди. Бугун ҳам ушбу кўшиқ садолари янграганда Коммуна Исмоилованинг ёрқин сиймоси хотиримизга келади.

Шифокорлар мадҳияси

Бугун дунё аҳлини хавотир ва таҳликага солган коронавирус пандемияси вақтида шифокорларнинг фидокорона меҳнатлари ҳар қандай таъриф тавсифга лойиқ. Бунда устоз шоир Пўлат Мўминнинг ҳар сатри эъзоз, эҳтиром билан сугорилган ушбу шеърини «Шифокорлар мадҳияси» десак асло муболаға эмас.

Гулноза ТУРФУНБОЕВА.

ҚАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Суратларда: Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасидан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –

mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROVBOYEV

Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

Sherzod ABDUSAMADOV

Динара ШАМУҲАМЕДОВА

Sahifalovchilar –

Iltihom JUMANOV

Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari

bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat

hisob raqami

2021000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4387.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 727 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,

Shota Rustaveli 1-berk

ko'chasi 9-uy.